Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

● 23 январь 1996 йил, сешанба ● № 6 (252)

Воқеалар, янгиликлар

Москвада 18-19 январь кунлари булиб утган МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг учрашувида 20 дан ортиқ масала муҳокама қилиниб, тегишли хужжатлар қабул қилинди.

Конференцияда кўрилган масалаларнинг қай йусинда ҳал этилишида Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг чиқишлари ҳам ҳал қилувчи таъсирга эга булди. Айниқса, Грузиядаги Абхазия, Россия Федерацияси таркибидаги Чеченистон масалаларининг адолатли ва халқаро давлатчилик меъёрларига мос равишда ҳал этилиши, Тожикистонда тинчликни қарор топтириш ҳаракатида МДҲ мамлакатларининг урни масалалари буйича И.Каримов таклиф этган йулларни йигилиш қатнашчилари бир овоздан маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, шунингдек бошқа тизимда ишлайдиган етакчи мутахассислардан ўн киши Токио фонди ҳамда Япония молия вазирлиги қошидаги фискал ва пул сиёсати институти таклифига биноан Кунчиқар мамлакатида ўтказиладиган семинарда қатнашиш учун жўнаб кетди.

Етти иқлим нафаси

ҲАМДЎСТЛИКДА

Кемерово шаҳрида Кузбасс кончилар касаба уюшмалари вакилларининг йиғилиши булди. Унда мамлакатда давом этаётган иқтисодий инқироз муносабати билан кончилар тобора оғирлашиб бораётганидан норозилик билдирилди. Ишчилар ва зиёлилар ҳамон маошларини уз вақтида олаолмаётганликлари, мамлакатда электр энергияси, квартира ҳақи, соғлиқни сақлаш ва маиший соҳалар хизмати учун тўловлар қиймати ой сайин ортиб бораётгани таъкидланди. Давлат Думасига сайловлар даврида хукумат кузбассликлардан булган қарзининг тўрт юз миллиард рублини тез орада қайтаришга ваъда берганди. Бу ваъда хануз бажарилмаган. Йиғилиш иштирокчилари аҳвол шундай давом этаверса, умумий иш ташлаш утказажаклари ҳақида хукуматни огоҳлантириб ҳам қуйишди.

Ўтган шанба куни Қиримда муҳторият ташкил этилганлигининг 5 йиллиги нишонланди.

Россия Президенти Борис Ельцин бюджет ташкилотларига маош берилишини назорат қилиб туриш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Унга кўра, бюджетдан таъминланадиган ташкилотлардаги оддий ходимлар маошларини олганларидан сунгтина, амалдорлар ва ҳукумат раҳбарлари маош олишлари белгилаб қуйилди.

Бошқирдистонда яна йирик экологик фалокат юз берди. «Салаватнефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасида авария оқибатида 2 кубометр фенол оқиб кетган. Бу заҳарнинг бир грамми бир минг кубометр сувни заҳарлайди.

ХОРИЖДА

Грециянинг янги Бош вазири этиб, 57 ёшли К.Симитис сайланди.

1993 йилда Бутун Жаҳон Савдо Ўйида бўлган портлаш ҳамда БМТ биноси ва бошқа йирик кўприкларда кўпориш учун бўлган ҳаракатлар айбдорлари устидан ҳукм эълон қилинди. Маълумки, Бутун Жаҳон Савдо Ўйида бўлган портлаш натижасида 6 киши ҳалок бўлган, мингдан знёд киши жароҳат олганди. Айбдорлардан 9 кўпорувчига 25-35 йил қамоқ жазоси берилди.

Франция Президенти Ж.Ширак Ватиканга дастлабки расмий ташриф билан борди.

Босниядаги битимни бажариш бўйича қуролли кучлар таркибида хизмат қилаётган британиялик ҳарбий хизматчиларга агар инглизлар назорат қилиб турган ҳудудда босниялик серблариниг етакчиси Радован Каражич ва генерал Радко Младичлар пайдо бўлгудек бўлишса уларни ҳибсга олишга буйруқ берилди. Гаагадаги халқаро суд уларни ҳарбий жиноятларда айблади.

Кеча Страстбургда Европа Иттифоқи парламент ассамблеясининг навбатдаги сессияси очилди.

Япония социалистик партияси 50 йил фаолият кўрсатгандан кейин социал демократик партия деб қайта номланди. Яқинда мамлакат бош вазири лавозимини тарк этган партиянинг аввалги раҳбари 71 ёшли Т.Мураяма яна унинг раҳбари бўлиб қолди.



Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани марказий касалхонаси шифокорлари беморларга замонавий ва малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бу ерда энг қийин ўтувчи операциялар ҳам юқори даражада муваффақиятли бажарилмоқда. Уларга бу борада янги тиббий жиҳозлар ва кўп йиллик амалий тажрибалар қўл келмоқда.

180 беморга мулжалланган бу даволаш муассасида 5 бўлим ишлаб турибди.

Ана шундай бўлимлардан бири бўлмиш реабилитация бўлимида оғир операцияларни ўтказган беморлар парҳез ва дармон дори терапиялари ёрдамида ўз соғлиқларини тула тиклайдилар.

Яқинда туманда яна бир оналар ва болалар клиникаси, шунингдек, иккита қишлоқ амбулаторияси ишга туширилди.

СУРАТДА: анестезиолог-ҳамшира Феруза Йўлдошева.

Суратқаш Б. ТЎРАЕВ. (ЎзА).

Иқтисодиёт хабарлари

ЭЛГА МАНЗУР БУЮМЛАР

Жиззах бадиий- сопол буюмлар тайёрлаш корхонасида аҳоли эҳтиёжи учун керакли бўлган товоқ, лаган, коса, чойнак, пиёла, гултувак, турли хил ликопчалар, ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Хаким Убайдуллаев етакчилик қилаётган 65 кишилик ишлаб чиқариш бўлими ойлик ҳамда йиллик режаларни муваффақиятли уддалаб келмоқда. Анвар Нишонов, Ният Фозилов, Тохир Очилов, Мавжуда Бойқўзиева, Солиҳа Қосимова, Сайёра Кенжаева, Сожида Уринбоева ва бошқа илғорларнинг қуч-ғайрати туфайли ҳар куни 1200 тагача сопол буюмлар тайёрланмоқда.

Корхонанинг Сайҳон қишлоғидаги 25 кишилик жамоаси эса тикувчилик ва гилам тўқиш ишлари билан шуғулланади. Элга манзур маҳсулотлар тайёрлаш жамоа аҳлининг эзгу мақсадидир.

Алибой ЭРГАШЕВ «Ишонч» мухбири.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

«Бахмал» фирмаси аҳолига савдо хизмати кўрсатиш бўйича 1995 йилни муваффақиятли якунлади. Навоийликлар ва шаҳар меҳмонларига йил давомида 33 миллион сўмлик саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилди. Бунда савдо ходимларидан ака-ука Қаҳрамон, Ўткир,Ўктам, Ғайрат ва Отабек Ражабовларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Шуниси диққатга сазоворки, фирма дўконларига ун, ёғ, шакар, гугурт, туз, чой, совун, гуруч каби 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари доимий равишда етказиб берилмоқда. Айни пайтда, «Бахмал» фирма дўконида 100 га яқин маҳсулот мавжуд. Уларнинг нархи бошқа савдо тармоқларига нисбатан анча арзон.

Р.ХУДОЙҚУЛОВ,

ТЎРАҚЎРҒОН ТЕРМОСИ

Тўрақўрғон Наманган вилоятидаги саноатлашган туманлардан бирига айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ерда халқ хўжалиги ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаруврчи кўплаб корхоналар фаолият кўрсатаяпти. Улар ёнига кун сайин янгилари келиб қўшилмоқда.

«Олтин водий» жамоа хўжалиги худудида жойлашган ва асосан қишлоқ хўжалик техникалари учун заҳира қисмлар ишлаб чиқарадиган «Намангансельмаш» ҳиссадорлик жамияти аъзолари янги маҳсулот турини тайёрлашни ўзлаштирдилар. Фарғона водийсида биринчи бўлиб термос ишлаб чиқаришга киришилди. Ушбу маҳсулотнинг бошқа жойларда тайёрланаётган ва термослардан афзал жиҳатлари кўп.

Жумладан, амалдаги термосларда озиқ овқат ёки ичимлик сақлайдиган идиш шишадан ясалган бўлиб, салгина эҳтиётсизлик оқибатида тез синиб кетар, натижада кўп ҳолда термосни ташлаб юборишга тўғри келарди. Тўрақўрғонда ушбу қисм пластмассадан тайёрланмоқда. Натижада термоснинг чидамлилиги ошиб, ундан ўзоқроқ фойдаланиш имконияти туғилмоқда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ФОЙДАЛИ ФИКР ОЛМАШУВ

Тошкентда журналистларнинг «Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар даврида касаба уюшмалари ва матбуот» мавзуида республика маслаҳат-кенгаши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда гоят кенг кўламли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий узгаришлар юз бермоқда. Аслини олганда жамиятимиз янги негизларда қайта тикланяпти. Давлат тузилиши, халқ хўжалик тизимлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг мақсадлари, усул ва услублари янгича йўналишлар касб этмоқда, бозор иқтисоди муносабатлари шароитида меҳнат қилиш ва турмуш кечириш тажрибаси қадам бақадам эгалланаётир.

Президент И.А.Каримов Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида бу жараёнларни чуқурлаштиришда, хусусан, оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, ҳозирги босқичда улар олдида турган вазифаларни аниқравшан кўрсатиб бердилар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши касаба нашрлари ходимлари, умуман, ижоди касаба уюшмалари ҳаракати билан алоқадор журналистларнинг республика маслаҳат-кенгашини утказди. «Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар даврида касаба уюшмалари ва матбуот» мавзуидаги маслаҳат-кенгаш икки кун давом этди. Республика ва вилоятларнинг газеталари, радио ва телевидение ижодкорлари Узбекистоннинг ўз иқтисодий ислоҳотлар йули, бозор иқтисодиёти сиёсатининг ҳуқуқий негизлари, кўп турли иқтисодиёт шароитида касаба уюшмалари фаолиятининг ҳусусиятлари, утиш даврида оммавий ахборот воситаларининг роли сингари мавзуларда лекция ва суҳбатлар тинглашди.

Маслаҳат-кенгаш қатнашчилари олдида ҳокимликлар, меҳнат жамоалари, согломлаштириш ва дам олдириш муассасаларининг раҳбар ходимлари сўзга чиқиб, касаба уюшмалари билан маҳаллий ҳокимият, меҳнат жамоаси билан маъмурият ҳамкорликда иқтисодиётни кутариш, ижтимоий муҳофаза масалаларини ҳал этиш тажрибаси билан уртоқлашдилар.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририятида ижодий учрашув бўлиб утди. Маслаҳат-кенгаш матбуотнинг бугунги долзарб мавзулари, матбуот чиқишларининг таъсирчанлиги муаммоларига бағишланган «давра суҳбати» билан якунланди.

Маслаҳат-кенгашда касаба уюшмалари турли бугинларининг идораларига тавсиялар қабул қилинди. Маслаҳат-кенгаш иштирокчилари Ҳамза номидаги академик драма театрида «Жиноят устида ушлансин» спектаклини тамоша қилдилар.

Кенгаш иши ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Матбуот ва ахборот шўъбаси.

Орол дарди - олам дарди

ҚАРЗДОРЛИК БУРЧИ

БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси катта маслаҳатчиси, профессор Абдуқодир Эргашев билан мулоқот.

Муқаддима. Чошгоҳ. Қиш чилласи бўлса-да, кун илиқ. Иккинчи қаватдаги хона деразасидан ташқарига кўз ташлайман. Феруза осмон артилган шишадек тиниқ, беғубор. Олисда - кўп қаватли паст-баланд биноларнинг сиркор пештоқларида қуёш нурлари жилваланади.

Суҳбатдошим - профессор Абдуқодир Эргашевнинг вақти зиқ. Уни бир-биридан муҳим ишлар кутаяпти. Мен бўлсам, истиҳолага бораман ва кўнглимда бир иштибоҳ уйғониб, бермоқчи бўлган саволларимни ўйлайман. Рости аввалига суҳбатимиз унча кўр олмади. Гап мавзуи Орол ва Оролбўйи муаммоларига келиб тақалганда ҳамроҳим...

-Ў-у, Орол, Орол!-деди илкис жонланиб. - Бу бизнинг дардимиз, битмас ярамиз. Ваҳоланки яра ҳам, дард ҳам аслида бир нарсадир. Неча йиллардан бери бу ҳақда гапирилаяпти, ёзилаяпти, кўрсатилаяпти. Бироқ амалий натижа кам. Гоҳо ўзимча ўйлайман: дунё фани ва маданиятига ал-Беруний, Мирзо Улуғбек, ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, ҳазрати Навоий, Заҳириддин Бобурдек ўлмас даҳоларни берган қадимий сарзаминда нега бундай фожиага йўл қуйилди? Сиз ҳайрон бўлманг. Оролнинг қуриётгани нафақат минтақада, балки Марказий Осиёда яшовчи қон-қардош халқлар учун ҳам катта фожиадир. Унинг миқёсларини тасаввур қилишга ақл етмайди. Шуро тузуми даврида-ку тилимиз «боғланган» эди. Мустақиллик берган имкониятдан фойдаланиб, Орол ҳақида бор ҳақиқатни айтиш имкони туғилди.

Экологик муҳитнинг бузилиши нафақат инсон, балки ҳайвонот ва наботот оламига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Оролдан кутарилаётган туз зарралари таъсирида Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро воҳасидаги барча экин майдонларини шўр босаяпти. Минтақада турли хасталиклар кўпайиб аҳоли саломатлиги ёмонлашаётганлиги ҳам шундан. Бу маълум гаплар тафсилотига берилиб утиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

-Абдуқодир Эргашевич, биласиз, табиат ўзига нисбатан қилинган тажовуз ва шафқатсизликни асло кечирмайди. Биз эса буни унутиб, узоқ йиллар мобайнида ер, сув манбаларидан пала-партиш фойдаландик, далаларни кимёвий дорилар билан заҳарладик. Ўйловсиз ва режасиз иш юритиш қандай оқибатларга олиб келганлигини кўриб турибмиз. Орол фалокати билан боғлиқ сабабларни биолог олим сифатида қандай изоҳлайсиз?

-Ҳаёт қонунияти шундайки, вақт утиши билан инсон қарийди, дарёлар қурийди, тоғлар емирилади. Лекин бу бошқа масала. Собиқ империя ҳукмронлик қилган йилларда кўпгина муаммолардан кўз юмганимиз рост. «Қизил» сиёсат ўзидан оғир асорат қолдирди. Миллий тилимиз, динимиз, маданиятимиз оёқости бўлди. Мен шундай деган булардим: Орол инқирози бу - онгимиз ва тафаккуримизда руй берган маънавий инқироз оқибатидир. Маънавий кемтиклик эса юртнинг кулфати. Келгуси авлодларга ана шу «кемтик» дунёни қолдирадиган бўлсак, улар бизни асло кечиримайди. Минг қатла шукрки, озодликка эришган республикамизда маънавият масалалари биринчи уринга қўйилиб, асл қадриятларимизни тиклаш, миллий ўзлигимизни англаш юзасидан савоб ишлар амалга оширилаяпти. Бундан қувониш, фахрланиш керак.

БМТ ҳомийлигида рус тилида чоп этилган (1995) «Орол инқирози» рисоласида қайд этилишича, денгиз ҳавзасидан йилига 75 миллион тонна туз ва қум зарралари кутарилади. Бу зарралар шамол таъсирида юзлаб километр ва ундан ҳам олис масофага учиб бориб, экин майдонларига, табиий иқлимга зарар етказмоқда.

-Орол узоқ вақт - уттиз йил давомида аста-секин қуриди, - фикрини давом эттиради суҳбатдошим. -Унинг ноласини эшитмадик, кўрмадик.

Энди бу ёгини эшитинг. Яқинда қўлимга бир китоб, тўғрироғи, собиқ Иттифоқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг ички йўриқномаси тушиб қолди. Унда яқин келажакда бажарилиши лозим булган ишлар кўрга ҳассадек қилиб ёзиб қўйилган эди. «Главсредазирсовхозстрой»,«Средазгипроводхлопок» каби муассасалар ва тармоқ илмий-текшириш институтлари ҳамкорлигида тузилган бир жадвал билан таниша туриб, рости, ёқамни ушладим. Жадвалда Оролга қуйиладиган сув (Амударё, Сирдарё) манбалари йил сайин камайтириб борилиши кўзда тутилган, 1973 йилга келиб бу рақам «ноль»га тенглашиши керак эди. Тасаввур қилаяпсизми: «ноль»!

-Бундан чиқди, Орол ҳалокати олдиндан режалаштирилган экан-да? Қандай гумроҳлик...

-Мен ҳали ҳаммасини айтганим йўқ. Энг ёмони, Орол инқирозига табиий зарурат, деб қаралган. У аста-секин қуриши, ўрнида шолизорлар барпо этилиши керак эди. Эҳтимол бу фикрим баъзиларга кескинроқ бўлиб туюлар. Начора, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Республикамиздаги нуфузли идоралар, мутахассислар экологик фалокат яқинлашаётганини билишарди, албатта. Бироқ «марказ»нинг хоҳиш- иродасига қарши боришолмаган. Мабодо ана шундай «шаккоклик» содир этилганда ҳам партиявий ёки маъмурий жазо тайин эди. Бир сўз билан айтганда, узоқ йиллар қонимиз ва онгимизга сингдирилган мутелик, лоқайдлик, масъулиятсизлик табиатимизни кескин инқирозга олиб келди. Энди бўлса, уша кишиларнинг айримлари «Оролни қутқарайлик!», дея аюҳаннос солишаяпти. Шу журъатингиз илгари қаёқда эди, деб ўйлайман гоҳида.

Пахта яккахокимлиги йилларида вазият қандай бўлганини биласиз. Республикамиз асосан пахта хомашёси етиштиришга ихтисослаштирилгани учун бу экиннинг йулига ҳеч қандай «гов» қўйилмаслиги лозим эди. Амалда шундай бўлди ҳам. Кимё заводлари ишлаб чиқарган тоғ-тоғ заҳарли дорилар бир мисқоли ҳам нобуд қилинмай пахта далаларига сепилди. 80-йилларнинг охирида манзара шундай эдики, Узбекистонда, умуман, Марказий Осиёда ҳар гектар ер ҳисобига 54 килограммдан (Муйноқ атрофларида бундан ҳам кўпроқ) пестицидлар қўлланилган. Оқибатда сув, замин, ҳаво заҳарланди, маҳаллий иқлимга путур етди. Орол минтақасида қушларнинг 500, балиқларнинг 100, умуртқасиз ҳайвонлар ва фойдали ҳашоратларнинг минглаб турлари яшаганлиги маълум. Оғир экологик муҳит оқибатида уларнинг аксарияти қирилиб кетганлиги ачинарли ҳолдир.

Бу-ку, масаланинг бир томони, албатта. Иккинчиси экологик ҳалокат минтақасида яшовчи аҳоли бугун ҳаммадан кўпроқ ижтимоий ҳимояга муҳтож. Бизнингча, уларга қўшимча коэффицентли ҳақ тўлаш ёки баъзи солиқлардан озод қилиш ҳақида уйлаб кўрилса, мақсадга мувофиқ буларди. Зотан ҳуқуқий, демократик жамият сари бораётган республикамиз учун халқ саломатлигидан муҳимроқ ва устиворроқ нарса йўқ.

-Абдуқодир Эргашевич, сиз юқорида тўғри таъкидладингиз. Масала чиндан ҳам жиддий. Орол дарди-олам дардига айланганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода газетхонларни халқаро ҳамжамиятнинг минтақадаги аҳволни яхшилаш ишига қўшаётган ҳиссаси ва амалий ёрдами қизиқтиради...

-Эсингизда бўлса, Узбекистон Президенти И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида жумладан шундай деган эди: «Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирамиз».

Халқ келажаги, юрт тақдирини ўйлаб қилинган бу оташин даъват ҳар биримизни ҳушёр торттириши керак. Оролни кўз ёшлар билан тўлдириб бўлмайди. У биздан нажот кутмоқда. Нажот эса амалий ишлардадир. Қўшнингдан бир кафт ун сурашдан аввал ўз супрангни қоқиштириб кўр, деган нақл бор. Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат раҳбарлари вазиятни тўғри англаб, узоқни кўзловчи оқилона сиёсат юритишаётгани кўнгилда умид ва ишонч уйготади. Тошкент, Қизил Ўрда, Тошҳовуз, Нукус учрашувлари айнан Орол ва Оролбўйи муаммоларига бағишланганлиги бежиз эмас. Бу учрашувларда асосий мақсад минтақадаги вазиятни яхшилаш, эҳтимол кутилаётган фалокатларнинг олдини олишга қаратилганлиги газетхонларга яхши маълум, албатта.

Энди халқаро ёрдамга келсак, бу йўналишда ҳам жўяли ҳаракатлар бошланган. Хорижий олимлар, йирик мутахассислар муҳим тадқиқот ишларини олиб боришаяпти.БМТ ва жаҳон банки ҳамкорлигида Оролни қутқариш бўйича амалий ҳаракат дастури ишлаб чиқилган. Дастурни амалга ошириш учун тахминан 260-280 миллион АҚШ доллари талаб этилади. Яқин келажакка мулжалланган бошқа режалар ҳам бор. Умуман, Орол XX аср воқелиги сифатида жаҳон афкор оммаси ўртасида катта ташвиш уйготаётирки, биз буни қадрлашимиз лозим. Нега деганда, унинг ҳалокати минтақада яшовчи 65 миллионга яқин аҳоли ҳаётига жиддий ҳавф тугдириши аён ҳақиқатдир.

(Давоми 2-бетда).

ГУРУҲ ИШ БОШЛАДИ

Касаба уюшмаларида

ЎзКУФК раёсати омманинг меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, манфаатларини ифода этувчи қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат ҳамда ЎзКУФК қарорларининг қандай бажарилаётганлигини ўрганувчи гуруҳ ташкил этди. У жойлардаги касаба уюшма қўмиталарига методик ва амалий ёрдам кўрсатади, қонун ва бошқа норматив хужжатларнинг ижросини таъминлашга кўмаклашади. Фуқароларнинг ижтимоий иқтисодий ҳимояси, уларнинг меҳнат ҳуқуқи ва манфаатлари ҳолатини муттасил таҳлил этиш билан бирга бу борадаги ишларни такомиллаштириш ҳақида таклифлар киритади.

Шунингдек, гуруҳ қонунлар, Фармонлар ва қарорларнинг қандай амалга ошаётганлигини ўрганиб чиқиб, масалани комиссия муҳокамасига қўяди, зарур тавсиялар беради.

Тасдиқланган Низомда унинг асосий фаолият йўналиши белгиланган. Барча вилоят кенгашлари, тармоқ қўмиталари, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида таҳлилий гуруҳлар тузилади. КУФК гуруҳи қўйи ташкилотлар ишини мувофиқлаштиради.

Бу тадбирдан асосий мақсад иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда касаба уюшма аъзоларининг иштирокини яхшилаш, ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришдан иборатдир.

Н.РАФИҚОВ.

КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН

Янги жамоа шартномалари, битимлар қай тартибда тузилади? Уларга киритиладиган муҳим ўзгартишлар нималардан иборат? Умуман, бу йил меҳнаткашларни ижтимоий иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш борасида қандай вазифалар кўзда тутилган?

Хоразм деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ташкил этган ўқув машғулотларига юқоридаги масалалар атрофида фикр юритилмоқда.

Бундай ўқув машғулотларидан дастлабки иккитаси Ҳазорасп ва Шовот туманларида утказилди. Уларда тармоқ вилоят қўмитаси раҳбарлари, мутахассислар, тажрибали касаба уюшма фаоллари сўзга чиқдилар.

Касаба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш борасидаги муаммолар, камчилик ва нуқсонлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек янги қонун- қондалар, иқтисодий ислоҳотлар хусусида ҳам тажрибалар алмашилди.

Маълумки, ислоҳотлар жараёнида турган Ўзбекистонда янги иншоотларнинг қурилишига ниҳоятда катта эътибор берилмоқда.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши ҳам шунинг далилидир.

Мазкур темир йўл қурилиши Республикамиз ҳукуматининг диққат марказида турган ишлардан ҳисоблангани учун қурилишни олиб бораётган Қарши темир йўл бошқармаси йўлсозлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Буни яхши ҳис қилган йўлсозлар дастлабки кунларданоқ иштиёқ билан ишга киришдилар. Айни кунларда қуриб битирилиши 2000 йилга мўлжалланган темир йўлда илк рельсларни ўрнатиш ишлари қизғин олиб борилаяпти.

СУРАТДА: 2-Қарши темир йўл бошқармаси бошлиғи Абдулла Тўйчиев йўлсозлар билан келгуси ишларни маслаҳатлашмоқда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Узбекистон об-ҳаво бюросининг берган маълумотларига қараганда, ҳафтанинг 23-27 январь кунлари деярли ёғингарчилик бўлмайди. Республика ҳудудидаги баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шимолий ҳудудларда ҳарорат кечаси 13-18 даража, кундуз кунлари эса 0-5 даража совуқ, жанубий ҳудудларда эса ҳарорат кундуз кунлари 5-10 даража илиқ, кечаси 1-6 даража совуқ бўлади.

Мазкур ҳафтанинг 22, 24, 25, 26 январь кунлари кучли «геомагнит бўронлари» кутилади. Улар об-ҳаво узгаришлари билан қўшилиб, одам организмига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Айниқса, «магнит бўронлари» касаллик турларидан қатъий назар, инсон танасининг унча кучли ва давомий бўлмаган таъсирларга (шовқинлар, ёруғлик ва маиший ҳолатлар) сезувчанлигини оширади. Марказий нерв системаси (айниқса гипоталамик соҳа) ва эндокрин системаси (гипофиз, буйрак усти бези) бундай реакцияларнинг амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Гарчи юрак ва бош мия қон-томир касалликлари, гипертония ёки ревматизм, қандли диабет билан хасталанган беморларда гипоталамик — гипофизлар, буйрак усти безларининг етишмовчилиги ҳам кузатилса, бундай реакциялар оғирроқ кечади. Шуни таъкидлаш зарурки, қишда ва баҳорда «геомагнит бўронлар» кўпроқ эътибор талаб қилади. Шунинг учун сурункали касалликларга учраган беморларда юрак соҳасидаги давомий сиқувчи оғриқлар, юрак урушининг тезлашуви, қон босимининг ошиб кетиши, бош мия қон-томир касалликлари — бош оғриги, бош айланиши ва чайқалиб кетиши, кўнгилнинг айниши, қўл-оёқларда жимирлаш, бутимда ёки ва оғриқларнинг пайдо бўлиши туфайли ҳаракатларнинг чегараланиши, таҳа ҳароратининг ошиши, бундан ташқари жаҳдорлик, уйқунинг бузилиши, қонининг қуюқлашуви кузатилади.

Биз ининг тахминларимизни мунтазам кузатиб борувчилар диққатига ҳар галгидай, авваламбор, нервсистемасини тинчлантирувчи (элеутерококс, тезапем, кватер микстураси), юрак фаолияти ва қон айланишини яхшиловчи ҳамда қонни суюлтирувчи препарат курантил, нитросорбит, нитронг, оддий нитроглицерин, бош мия қон-томир касалликларида ва гипертонияда кавинтон, трентал, пирацетам, ревматизмда — индометацион, аспирин каби препаратларни истеъмол қилишни ёки улардан фойдаланаётган беморларда дозаларни 1-1,5 марта оширишни тавсия этамиз. Очиқ ҳаво, енгил доимий гимнастика доимо ҳамроҳингиз бўлсин. Фаол, оғир физик зўриқишлардан сақланинг.

МУАММОЛАР... ҲАМКОРЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Янги шароит — янги иш услуби

-Тумандаги 65 мактабдан 56 таси замонавий биноларда жойлашган. 4 та мактаб бинолари қурилаяпти, яна 2 та мактаб қурилиши режага кирди. Лицей-гимназия ташкил этилган.Чет тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитадиган билим юрти тайёрланяпти-840 ўқувчи урнига мўлжалланган. Навруз тантаналаригача тўртта янги болалар боғчаси битказилиб, ишга туширилади. Мактаб ўқитувчиларининг ойлик маошлари қариб оймоё бериб келинишига эришяпмиз. Уларга тез-тез қўшимча маош ҳам бериб турилади. Умумхалқ тантаналари муносабати билан уларга байрам туҳфалари уюштирамиз. Жумладан 5 миллион 131 минг сўмлик 3 мингта шундай совғалар улашилган. Уларда: шакар, гуруч, ун, 2 тадан товуқ ва бошқа нарсалар бор...

Самарқанд тумани ҳокимлигига тупланган республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари фаоллари юқоридаги рақамларни диққат билан тинглашарди. Туман ҳокими, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Рақима Ҳакимова бугина эмас, кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган яна кўпгина ғмалий тадбирлар ҳақида гапириб берди.

-Бугунги мактаб ўқувчилари эртага келажаги буюк даватимизнинг бунедкорлари бўлиб етишадилар,-деди у гапида давом этаркан. -Демак, уларнинг ҳар жиҳатдан - ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом ўсишларини таъминлаш бизларнинг биринчи галдаги бурчимиз. Шунинг учун ҳам мактабни барча зарур нарсалар билан таъминлашдан ташқари болаларга бошқа шароитларни яратишга ҳам ҳаракат қиляпмиз. Ҳамма мактабларимизда ўқувчи бошига кунига иккитадан гумма берилади. Кам таъминланган оилалар болаларига алоҳида эътибор бериб келяпмиз.

Тумандаги иккита ҳунар-техника билим юртига ҳокимлик ташаббуси билан компьютерлар олиб берилган. Уларнинг тарбияланувчилари маҳсус кийим билан таъминланган. Тошкентдаги олий дипломатия ва жаҳон иқтисодиёти университетида таълим олаётган 5 толибнинг ҳаражатларини тўла қопланяпти. Самарқандда ўқиётган ёшлар йўл ҳаражатларини тўлаш масаласи ҳам ҳал этиляпти.

Янги тугилган чақалоқлар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Улар ва оналари учун барча дори-дармонлар бепул етказиб берилаяпти. Болалар ошхонасида шифобахш чақалоқлар овқатлари, маҳсус кефир тайёрланиб, бепул тарқатиляпти. Қурилган тадбирлар туфайли бир ёшгача гўдаклар орасида улим ҳодисалари камайган. Аҳолини эмлаш учун 3 миллион 641 минг сўмлик тиббий зардоб олиб келинган. Ўқитувчиларни дори-дармонлар билан бепул даволаш йўлга қўйилган.

Буларгина эмас туманда аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган катта ишлар олиб борилятти.

Туман қишлоқларини газлаштириш ниҳоясига етказилди. 98 фоиз аҳоли юқори сифатли ичимлик сув билан таъминланди. Оҳалик қишлоғи, «Баракат» жамоа хўжалигида мактаблар очилган. Катта Оҳалик қишлоғида артезан қудуқлари ўрнига 137 минора қилиб, сувни маҳсус ишловдан ўтказиб, аҳолига етказиляпти.

Туман ҳокимлиги олиб бораётган катта тадбирлар бўйича олинган юқоридаги маълумотларнинг ўзиёқ улар салмогини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам Сирдарёлик йигилиш иштирокчиси ўзини тутолмай, шунча тадбирлар маблагни, ўқитувчилар ва бошқа бюджетчиларга нақд пулни қаёқдан оляпсизлар, деб сўради. Тўлиқ қаноат ҳосил қиладиган жавоб олинди:

Туманда 150 миллион сум нақд пул айланма ҳаракатда бўлиб, кунига 1,5 миллион сўм пул банкларга ташкилотлардан қайтиши керак экан. Республикада эмиссиясиз ишлаётган икки туманнинг бири- шу Самарқанд тумани экан.

Саккиз автодўкон тинмай ҳаракат қилиб, ҳар икки кунда 1,5 миллион сўмдан савдо қиляпти. Олти инкассация машинаси доим ҳаракатда. Кичик корхоналар сони 216 тадан кейинги 9 ойда 272 тага етган. Тумандаги барча қишлоқлар паспорти ишлаб чиқилиб, уларда ҳамма маълумотлар акс эттирилган ва ҳар ойда тузатишлар киритиб турилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир маҳаллада амалга оширилажак тадбирлар беш қўлдай маълум. Чунончи, 133 маҳалланинг ҳар бирида ҳозир иккитадан кичик корхона ишлаб турибди. Калиш заводида кунига 500 жуфт пойабзал чиқарилмоқда.

Имконни борича тадбиркорлик билан шуғулланиш керак деб, ҳисоблайди туман ҳокими. Чунончи, 5 вагон цемент олиб, уларни 85 та шлакоблок ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга берилди. «Бандлик» дастури бўйича анчагина маблаглар тўпланади. Кўп жойларда ҳуда-беҳуда сарф бўлиб кетаётган бу маблаглар ҳам ўрнида ишлатиляпти. Шу асосда туманда қурилиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Ностандарт ускуналар заводи ишга туширилаяпти. Энди мактаб парталаридан тортиб, гул тувакларгача турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши мўлжалланяпти. 250 иш ўринга эга бўлган «Зингер» тикувчилик фирмаси очилади.

-Албатта, булар ўз-ўзидан бўлмади, -давом этди ҳоким. -Ҳар сешанба куни эрталаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши раҳбарлари, бошқа барча тармоқ раҳбарлари йиғилишиб, амалга ошган ишлар таҳлил этилиб, қилинажак ишлар режалаштирилади. Ҳамма ерда қатъий интизом, тартиб бўлиши учун тинмай ишлашга тўғри келади. Қатъий чоралар ҳам кўришга тўғри келади. Масалан, 5-мактаб буфетида коржик, нон, сникерсларга ўхшаган нарсалар бор-у, иссиқ гумма йў

Орол дарди-олам дарди

ҚАРЗДОРЛИК БУРЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Муаммони ҳал этиш учун қирққа яқин давлат ўз ёрдамини таклиф этди. Ҳозирги кунда биз улар билан мулоқотлар олиб бораяпмиз. Бундан ташқари БМТ ҳузурида давлатлараро кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Унинг ижроия қўмитаси Тошкентда жойлашган. Бу ерда бешта республикадан келган мутахассислар хизмат қилишяпти.

-Ўзингизга маълум, ҳар қандай тадбир муайян мақсадни кўзлаб ўтказилади. Мен бу ўринда халқаро Нукус конференциясини назарда тутаяпман. БМТ ҳомийлигида ўтган мазкур анжуманда Орол ва Оролбўйи тақдири билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилганлиги кўпчиликка аён. Кечроқ бўлса-да, Нукус конференциясининг йўналиши ва асосий якунлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

-Кечроқ дейсизми? Аксинча, саволни айни вақтида бердингиз. Муаммони ечиш учун бугун ҳам, эрта ҳам, ҳатто индин ҳам кеч эмас. Негаки, ўттиз йил давомида қуриган денгизни бир ёки икки йилда тўлдириб бўлмайди. Бунинг учун вақт керак, имконият керак. Лекин биз кутолмаймиз. Агар ҳоҳласак, қунт қилсак, ишларни тезлатиш қўлимиздан келади. Шундай эмасми?

Нукус конференцияси ўз моҳият-эътибори билан аввалги расмий тадбирлардан бирмунча фарқ қилади. «Оролбўйи мамлакатларининг барқарор тараққиёти» мавзуидаги ушбу анжуманнинг БМТ ҳомийлигида ўтишида ҳам рамзий маъно бор. Кўпдан қуён қочиб қутулмас. Демакки, Туронзамин халқлари XX аср муаммоси олдида ёлгиз эмаслар. Уларнинг дарду ташвишлари халқаро ҳамжамият қалбида акс садо бераётган экан, бунга соғлом ақл ва тафаккур маҳсули, деб қарамоқ жоиз. Гапларимда заррача маҳобат йўқ. Эътибор беринг: конференция ишида Марказий Осиёдаги беш давлат Президентлари, ҳукумат раҳбарлари билан бирга ўнлаб халқаро ташкилотлар ҳамда 35 давлатнинг вакиллари, 300 дан ортиқ мутахассислар, дипломатлар, жамоат арбоблари иштирок этиб, минтақада юзага келган фалокат, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммолар хусусида фикрлашдилар.

Анжуман сўздан ишга утишда узига хос босқич бўлди, дейиш мумкин. Унда тарихий Нукус декларациясига имзо чекилди, келгусида бажариладиган ишлар бўйича аниқ мажбуриятлар олинди, дастлабки маблағлар кўрсатилди. Шу муносабат билан бир мулоҳазани айтиб ўтишни истардим. Маълумки, Орол беш мустақил давлат - Қозоғистон, Туркманистон, Узбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудида жойлашган. Демак, юкнинг оғирлиги ҳам ана шу «бешовлон» зиммасига тушади. Биз дили, дини, тарихи, бозори ва мозори бир халқлармиз. Тақдиримиз ҳам муштарак. Бинобарин, Оролбўйи муаммосини яхлит ҳолда тушуниб, табиий манбалардан тежамкорлик билан фойдаланиш, куч ва маблағларни аниқ мақсадга йўналтириш ҳозирги кунда жуда муҳимдир.

-Шу фикрингизни давом эттириб айтмоқчиманки, хайрли иш учун ҳамиша имкон топилади. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Кейинги пайтларда инсон она-табиатдан узоқлашиб бораётгандек туюлмаяптими назарингизда? Ва умуман, Оролбўйи минтақасида вазиятни соғломлаштириш учун нималарга эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

-«Яхшилик қилолмайсанми, ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилма», деган экан бир донишманд. Буни турлича талқин қилиш мумкин. Аммо мантиқ битта: инсонлик мартабанги устивор бил! Ҳаётда ҳеч нарса изсиз кетмайди. Ватан остонадан бошланади деймизу, баъзи бирларимиз эшигимиз олдини тоза-озода тутишни ҳам эплаёлмаймиз. Нега? Чунки бизда том маънодаги фидоийлик,экология маданияти етишмайди. Бу масалани кескин қилиб қўядиган пайт келди. Ёшлар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйготиш, улар ўртасида экологик тарбияни кучайтириш ҳамма нарсадан муҳимроқдир. Табиатнинг, ғазаллик оламининг муқаддаслигини идрок этмайдиган кишидан яхшилик кутманг. Дунёнинг ўволию савоби ҳаргиз манқурт кимсаларга қолмасин!

Ҳозирги кундаги асосий ва бирдан-бир вазифа - Орол ҳавзасини мавжуд ҳолича сақлаб қолмоқдир. Бу қийин, аммо уддаласа буладиган иш. Мутахассисларнинг фикрича, минтақадаги аҳволни яхшилаш учун атроф - муҳитни комплекс тарзда бошқариш, табиат муҳофазаси устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, мавжуд ер, сув манбаларидан ғоят тежамкорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Аҳолининг саломатлик даражаси ҳам мана шу омилларга боғлиқ.

Бозор иқтисоди бизга кўп нарсани ургатаяпти. Лекин онгимиздаги эски, сийқа қуникмалардан ҳали буткул халос бўлганимизча йўқ. Сувдан фойдаланишни олайлик. Табиатнинг бу бебаҳо неъматини етарли даражада қадрлаяпмизми? Афсуски, йўқ. Чунки бизда энг арзон нарса - сув. Уни исроф қилиш айб саналмайди, бунинг учун бировнинг бурнини қонатмайди. Ҳолбуки отаболаларимиз сувни муқаддас билишган, ариқ ёки ҳовузга тупуришни гуноҳ санашган. Биз ҳам уларнинг қутлуг анъаналари ва одатларини қалбимизга жо этсак, чакки бўлмасди.

Табиатда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Мавжуд сув заҳираларининг 5-6 фоизи истеъмол учун ишлатилса, 75-80 фоизи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига сарфланишини биламиз. Бинобарин, энг аввало суғориш технологиясини такомиллаштириш, бу соҳадаги исрофгарчиликларга қатъий чек қўйиш, азиз неъмат - сувга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Биз учун бошқа йўл йўқ. Ана шунда дарё ва каналларимиз доим тулиб оқади, Оролга қуйиладиган сув манбаларини қупайтириш имкони туғилади, иншоаллоҳ.

ХОТИМА ЎРНИДА. Орол... Бугун у хаста ва ҳимоясиз. Ҳалокат ёқасидаги Она-денгизга ёрдам қўлини чўзайлик. Унинг аччиқ тақдири ҳеч биримизга бефарқ эмас. Мустамлака йилларида жафокаш халқимиз юттан заҳар-заққумлар ҳаққи, мунис табиатга нисбатан қилинган тажовуз ва адолатсизликлар ҳаққи, она - Орол олдида беҳад қарздормиз. Ана шу буюк, масъулиятли қарздорлик бурчини унутмасак бас!

Суҳбатдош:
Носир ТОШЕВ.

Касаба уюшмалари иш тажрибасидан

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ИНСОН

«Тошиссиқликтармоқ» корхонаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Виолетта Викторовна Шипова билан унинг ишхонасида учрашдим. Унгача бу аёл ҳақида жуда кўп илиқ гапларни эшитгандим. У билан учрашув чоғида бу гапларнинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

...Тошкент тўқимачилик институтини тамомлаган Виолетта дастлаб «Малика» тикув фабрикасида ишлай бошлайди. 1977 йилдан ҳозиргача бир жойда — «Тошиссиқликтармоқ» корхонасида меҳнат қилмоқда. Аввалига у иқтисодчи, кейин режа бўлимининг бошлиғи лавозимларида ишлади. 9 йил бошқа ишлари билан бирга касаба уюшмаси қўмитасининг раиси вазифасини ҳам бажариб келмоқда. Одамлар Виолеттага катта ишонч билдириб, уни уч марта шу лавозимга сайлашди. Ҳозир у ишлаб чиқариш ва касаба уюшмаси соҳаларидаги ишларни биргаликда олиб бораяпти, корхонанинг молия-иқтисод бўлимини бошқараяпти.

В.Шипованинг жамоа орасидаги обрў-эътибори тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Корхона директори Бобур Усмонов касаба уюшмаси бошлиғи шаънига айтган гапларнинг ўзи кифоя қилади, деб ўйлаймиз. «Виолетта Викторовна ниҳоятда қадрли мутахассис ҳисобланади, у бошқаларга жуда меҳрибон инсондир, — дейди корхона раҳбари. — Жамоамизда унинг тўғрисида фақат яхши гапларни эшитасиз». Шипованинг ҳамкасби, иқтисодчи Людмила Фастовец унинг тўғрисида гапириб шундай деди: «У ҳамиша сўзи билан ҳам, иши билан ҳам ёрдам беради. У билан бирга ишлаш осон. Бир сўз билан айтганда — ажойиб инсон!»

Виолетта Викторовна иқтисодиётдаги ижир-чикирларни жуда яхши билишидан ташқари, одамлар билан ишлаш санъатини ҳам эгаллаганлигига ишонч ҳосил қилдим. Корхона ходимларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги ишларнинг аҳволи, касаба уюшмаси фаолияти олдида турган долзарб вазифалар ҳақида В.Шипова бажонидил гапириб берди:

— «Тошиссиқликтармоқ» 10 та корхонани ўзига бирлаштиради, уларда 540 киши ишлайди. 5 та энергия тумани, диспетчерлик хизмати, гараж ва бошқа хизматлар бор. Улардаги иш жуда мураккаб. Тошкентдек улкан шаҳар остидан ўтган катта диаметрли сонсаноқсиз қувурларни кўз олдингизга келтиринг-а! Булар — шаҳарнинг ўзига хос «қон томирлари». Биз ана шу катта миқёсдаги магистралларнинг ишлашини, уларнинг ўз вақтида таъмирланишини кузатиб турамиз, бу ишларга масъулмиз. Такрор айтаман, ишимиз осон эмас, чунки ҳамма ишлар ер остида бажарилади. Борди-ю авария рўй берса, бирон ердан сув чиқиб кетса, дарҳол бунинг олдини олишга тўғри келади. Иссиқ сув ҳарорати 100 даражага тенглигини ҳис этсангиз — ишимизнинг мураккаблигини тасаввур этишингиз мумкин.

Бозор муносабатларига ўтилаётган, собиқ Иттифоқ бардод бўлиб, иқтисодий алоқалар узилиб қолган ҳозирги шароитда бизда ҳам қийинчиликлар пайдо бўла бошлади, чунончи, керакли материаллар ва катта диаметрли қувурларни олиш қийинлашди. Кўпинча, қандай қувурлар юборилса, ўшалар билан кифояланишга тўғри келмоқда. Қувурлардан ўрта ҳисобда 10-15 йил фойдаланилади. Металл сифатининг пастлиги, ер таркибида тузнинг кўплиги, иссиқ сув таркибида эса бошқа аралашмаларнинг мавжудлиги сабабли бу қувурларнинг «умри» яна 5 йилга қисқармоқда. Натижада, авариялар, иссиқ сувнинг қувури ёриб тошиб чиқиши ҳоллари кўпроқ рўй бермоқда. Ер тагида иш олиб чуқурликда ишлаяпти дейлик. Бордию аҳвол мураккаб бўлса, унинг кечаю кундуз ишлашига тўғри келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, маъмурият билан касаба уюшмаси ташкилоти доимо ишчилар манфаатини кўзлайди. Авария бригадасини иссиқ овқат, сигареталар ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш чораларини кураяпмиз. Харажатлар эса касаба уюшмаси ҳисобига ҳал қилинмоқда. Ишчиларга махсус кийимлар ҳам берилади.

Ишчилар ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи касаба уюшмаси диққат марказида. Бу иш ҳар йилги маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасида тузиладиган жамоа шартномасидан бошланади. Шунга кўра ишчи ва хизматчилар учун бир қатор имтиёзлар белгиланади. Ёлғиз оналар, бева аёллар ҳам эътибордан четда қолмайди... Қарамоғида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида пул берилади. Ходим меҳнат таътилига кетаётганида унга албатта моддий ёрдам кўрсатилади. Иш стажига қараб ходимга мансаб маошининг 20 фоизи миқдорида, иш стажи 15 йилдан ортиқ бўлса, мансаб маошининг 100 фоизи миқдорида пул билан таъминланади. Келин-куёвлар учун ҳам алоҳида маблағ ажратилган. Никоҳланган ёшларга бир ойлик маоши миқдорида пул берилади. Агар корхона ходимининг фарзанди уйланса ёки турмушга чиқса, бундай ходимга ойлик маошининг 50-70 фоизи миқдорида «тўёна» берилади.

Булардан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг кундузги овқатланиши ва йўл харажатлари учун 160 сўмдан 200 сўмгача компенсация белгиланган. Жамоа шартномасида яна бошқа хил имтиёзлар ҳам қайд этилган. Масалан, ходимнинг ёки унинг яқин кишисининг вафоти муносабати билан унга ёрдам кўрсатиш назарда тутилган: ходим вафот этганида унга энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида ёрдам пули ажратилади. Бизнинг соҳамизда энг кам иш ҳақи 540 сўмга тенг. 3 ёшгача болалари бўлган аёлларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ёрдам пули бераяпмиз.

Нафақадорлар, кекса ходимлар — жамоамиздаги энг ҳурматли кишилардир. Ахир улар умрининг энг яхши пайтларини ишлаб чиқаришга сарфлашган. Шу боис улар ҳам эътибордан четда қолишмаган. Энергетика вазирлиги тизимида лоақал узлуксиз 5 йил ишлаган нафақадорга энг кам иш ҳақи миқдорида, 10 йилдан ортиқ ишлаган нафақадорга эса энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида пул берилади.

Корхонамизга қарашли 2 та дам олиш уйи бор. Уларнинг бири «Оққовоқ» дам олиш уйи бўлиб, Чимён тоғи этагида жойлашган. Иккинчиси эса, «Нанай» дам олиш уйи бўлиб, Чорвоқ ортидаги тоғли ерда жойлашган. Ишчи ва хизматчиларимиз бу оромгоҳларда оилалари билан биргаликда ҳордиқ чиқарадилар. Бултур ҳар иккала оромгоҳда 170 киши дам олди. Бунинг устига улар йўлланма қийматининг атиги 20 фоизини тўлайдилар. Бу имтиёз ходимларнинг оила аъзоларига (хотинига, эрига, 18 ёшгача бўлган болаларига) ҳам тегишлидир.

Касабақўм раисининг гапига қараганда, жамоада жуда кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Бу гап ходимларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам тааллуқлидир. Семашко номли физиотерапия шифохонаси билан корхона ўртасида тузилган шартнома асосида ишчи ва хизматчилар у ерда даволаниш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари, республикамизнинг, «Чинобод», «Чорток», «Чимён», «Янгийўл» каби йирик даволаш масканларига бориб, даволаниш учун ҳам йўлланмалар берилмоқда. Бу йўлланмалар имтиёзли тарзда берилар экан. Масалан, ишчи ёки хизматчи йўлланма қийматининг атиги 10 фоизини тўлайди. Қолганини эса касаба уюшмаси ўз зиммасига олган.

Бу ерда уй-жой масаласи маъмурият билан биргаликда ҳал қилинади. Яқинда корхона ходимлари учун 3 та хонадон ажратилди. Бу хонадонлар навбат кутиб турган чилангарлар Ластовский, Шмарин ва автомобил ҳайдовчи Иброҳимовга насиб этди. Корхонада ишловчилар узоғи билан 5-6 йил ичида уй-жойли бўлишлари мумкин.

Корхона ўз ҳудудига яқин жойдаги болалар боғчасини оталиққа олган. Ёз мавсумида эса ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари корхонага қарашли «Бригантина» оромгоҳида дам олишди. Бултур 1500 сўм турадиган йўлланма учун ота-оналар бор-йўғи 63 сўм тўлашди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига корхонада алоҳида эътибор берилаётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Жамоа шартномасида ишлаб чиқариш соҳасидаги бахтсиз ходисалар ва касалликларнинг олдини олишга, меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган тадбирлар назарда тутилган. 1995 йили ана шу мақсадлар учун 791 минг сўм ажратилди. Зарарли ишлаб чиқаришда машғул бўлганларга иш вақтида ярим литрдан сут берилади. 12 ёшгача бўлган 2 ва ундан ортиқ боласи бўлган аёлларга қўшимча равишда ҳақ тўланмайдиган 2 ҳафталик меҳнат таътили берилади.

Хуллас, «Тошиссиқликтармоқ» корхонасининг касаба уюшмаси қўмитаси меҳнат аҳлининг самарали ишлаши, иш шароитларини яхшилаш умуман уларнинг ижтимоий ҳимоясини давр талабларига кўтариш борасида ибратли ишлар қиляпти.

Фарҳод РАСУЛОВ.



Тошкентдаги «Пайабзалчи» ҳиссадорлик жамияти 1995 йилни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлади. Ана шу муддат ичида 54 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига етказиб берилди. Пойабзалчилар эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланишмоқда. Бу ерда тайёрланаётган замонавий фасондаги пишиқ ва чидамли пойабзаллар харидорларга манзур бўлаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Экспериментал цех бошлиғи Х. Нурмуҳамедов ва йиғувчи уста Н. Каретина янги нусхадаги пойабзални кўздан кечиришмоқда. 2. Илғор ишчи А. Иброҳимов.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларга ҳуқуқшунос Мастура Ҳожиматова жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрда қабул қилган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида»ги Фармонига юзасидан газетангиз орқали маълумот берсангиз.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида яшовчи бир гуруҳ пенсионерлар номидан: М. АЛИЕВ.

Узбекистон Республикаси Президентининг юқорида эслатилган 1995 йил 20 ноябрь Фармонига асосан 1996 йил 1 январдан бошлаб Узбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи ишлочи пенсионерларга қуйидаги миқдорда пенсия тўланади:

— уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, Чернобиль ҳалокатини бартараф қилишда қатнашган шахсларга;

— шунингдек, уруш даврида фронт ортида меҳнат қилган ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга, кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва ногиронлар жамиятида, уларнинг корхоналарида ишлови учинчи гуруҳ ногиронларига 100 фоиз миқдорида;

— қолган бошқа ишловчи пенсионерларга 50 фоиз миқдорида.

1996 йил 1 январдан бошлаб ишловчи пенсионерларга нафақа пуллари иш жойидан тўланади.

Бир неча жойда уриндошлик бўйича ишловчи пенсионерларга эса пенсия асосий иш жойидан берилади.

Оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи шахсларга бу пенсиялар яшаб турган жойларидан тўлиқ миқдорда тўланади.

Узлари учун боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи фуқаролар агар ишласалар, пенсиялари 50 фоиз миқдорида.

Хусусий, якка таритибдаги, шунингдек, фермер, деҳқон хўжаликларида ишловчи пенсионерларга нафақалар ижтимоий таъминот бўлимларидан 50 фоиз миқдорида тўланади.

Қуйидаги ҳолларда ишловчи пенсионерларга пенсия тўлови тўлиқ тўхтатилади:

Агар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига асосан муддатидан олдин пенсия тайинланиб, қарилик пенсияси учун белгиланган ёшга етмаган бўлса (эркаклар 60, аёллар 55 ёшга).

1994 йил 1 юлдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун кучга киргунга қадар кўп йиллик хизмат пенсияси тайинланган ва қарилик пенсиясини имтиёзли ёки умумий асосларда олиш ҳуқуқига эга бўлмаган кўп йиллик хизмат пенсияси олаётган бўлса.

Пенсионерлар бир йилда икки ой муддатга меҳнат шартномасига асосан вақтинчалик ишга кирсалар, унда пенсиялари тўлиқ миқдорда яшаш жойларидан тўланади.

Агар бу муддат узайтирилса, нафақа умумий асосларда тўланади.

11 нафар фарзандим бор. Қизим 10 синфда ўқиётган даврида касаланиб, унга 3-гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганди.

1993 йили мактабни тугатган бўлсада, соғлиғи ёмонлиги сабабли иш ва ўқишга кира олмади. Қизимга 3-гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлаш учун эндиликда 2 йиллик иш стажи керак дейишяпти. Менга шу масалада тушунтириш берсангиз.

Ханифа МИНГИЙИГИТОВА,
Жиззах вилояти, Фориш тумани.

Амалдаги пенсия қонунида ногиронлик пенсияси тайинлаш учун маълум ёшда муайян иш стажи талаб қилинади. Масалан, 20 ёшдан 23 ёшга тўлгунча 2 йил, 23 ёшдан 26 ёшгача 3 йил ва ҳоказо. Аммо, 20 ёшга тўлгунча эса иш стажидан қатъий назар, яъни иш стажи 1 ой, 2 ой бўлган тақдирда ҳам ногиронлик пенсияси тайинлаш мумкин. Қизингиз ҳозирги пайтда неча ёшда эканлиги аниқ ёзилмаган. Агар қизингиз 20 ёшга тўлмаган бўлса, тезликда бирон бир ишга жойлаштириб бу тўғрида ижтимоий таъминот бўлимига ҳужжат тақдим этсангиз, қонунга кўра пенсия тайинлаш мумкин. 20 ёшга тўлган бўлса, 2 йиллик иш стажи талаб этилади.

4 фарзанднинг онасиман. Учинчи болам 11 ойлик бўлганида тўртинчи фарзандим туғилди. Ҳар икковига ҳам 250 сўмдан нафақа тўланадими?

Раъно АБДУЛЛАЕВА,
Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани.

Бола 2 ёшга тўлгунча бериладиган нафақа онага иш (ўқиш) жойидан тайинланади. Агар у ишламаса (ўқимаса) яшаш жойидаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиш керак. Оилада бир йўла 2 ёшгача бўлган икки нафар бола бўлса, унда энг кичиги 2 ёшга етгунга қадар битта нафақа тўланади. Бола туғилгандан бошлаб 16 ёшга тўлгунча бериладиган ҳар ойлик нафақа онага иш (ўқиш) жойидан, агар она ишламаса (ўқимаса) отанинг иш (ўқиш) жойидан тайинланади. Агар она ҳам ота ҳам ишламаса (ўқимаса) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади.

Мен 25 йилдан буён медицина ходими бўлиб ишлайман. Ҳозиргача бир неча операцияни бошдан кечирдим. Саломатлигим ёмон.

Менга ногиронлик гуруҳи белгилашмади. Шу тўғрими?

Т. ХОЛБОЕВ,
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани.

Ногиронлик гуруҳи яшаб турган жойингиздаги тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосасига асосан белгиланади. Бунинг учун тегишли даволаш муассасасидан хужжат олиб, ТМЭКга мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз. Улар сизга қўйилган ташҳисларга қараб ногиронлик гуруҳи белгилаш масаласини ҳал қилишади.

Бухородаги диний билим юртда ўқиганман. Ўқиш даври пенсия тайинлашда иш стажига қўшиладими?

М. ЭШБОЕВ,
Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани.

Ҳа, қўшилади. 1991 йил 14 июндаги қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига асосан олий ва ўрта диний ўқув юртларида кундузги бўлимда ўқийдиган фуқаролар, белгиланган тартибда ўқиш даврини меҳнат стажига қўшиш бўйича ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиладилар.

Диний ташкилотларда мулла ва бошқа диний лавозимларда ишлаган давр меҳнат стажига қўшиладими?

М. ҚОСИМОВ,
Наманган вилояти.

1991 йил 1 январдан бошлаб диний ташкилотларда барча лавозимлардаги иш даври агарда шу давр учун ижтимоий суғурта бадаллари тўланган бўлса, меҳнат стажига ҳисобланади.

55 ёшга тўлдим. 35 йиллик иш стажига эгаман. 1980-1985 йилларда ўриндошлик бўйича кечки мактабда ҳам дарс берганман. Менга имтиёзли пенсия тайинлаш мумкинми, ўриндошликдаги иш ҳақим пенсия учун ҳисобга олинадими?

О. ТЎЙЧИЕВ,
Самарқанд шаҳри.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус 25 йиллик иш стажига эга бўлганларида қарилик пенсияси тайинлаш учун талаб қилинадиган ёшдан 5 йил аввал имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Олим ака!Агар ўқитувчилик стажингиз 25 йил бўлса, унда Сизга 55 ёшдан пенсия тайинланиши мумкин. Шунингдек, Сизнинг 1980-1985 йиллардаги уриндошлик иш ҳақингиз пенсия белгилашда инобатга олинади.

Ёшим 57 да. 23 йил ер тузувчи, 5 йил боғбон, 10 йил колхозчи бўлиб ишладим. Жами 38 йиллик меҳнат стажига эгаман. Пенсияга чиқишим мумкинми?

М. АБДУРАҲМОНОВ,
Самарқанд вилояти, Ургут тумани.

Ҳурматли Мухтор ака! Амалдаги пенсия қонунчилигига асосан эркакларга 60 ёшга етганларидан камида 25 йиллик иш стажи билан қарилик пенсияси тайинланади. Имтиёзли қарилик пенсияси эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, 1-2-3-рўйхатларда кўрсатилган ва касб кор, лавозимларга қатъий амал қилган ҳолларда тайинланади. Сиз ишлаган касб, лавозимлар бу рўйхатларда кўрсатилмаган. Шунга кўра, Сизга имтиёзли пенсия тайинлашга асос йўқ. 60 ёшга етганингизда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

ҚУЁШ АКТИВЛИГИ, МАГНИТ БЎРОНЛАРИ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Газетамизнинг ўтган йил 1 декабрь сонида «Ташқимуҳитнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида ҳикоя қилгандик. Бугунги мақолада ана шу ташқи муҳит таъсирида, Қуёш ва унинг активлиги қандай рол ўйнаши ҳақида батафсилроқ фикр билдирилади.

Маълумки, она сайёрамиз Ер бошқа сайёралар каби Қуёш билан мустаҳкам боғланган. Энг аввало, айнан Қуёшнинг ўзи Ердаги барча жонли мавжудотларнинг, шу жумладан, инсоннинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ҳозирги вақтда Қуёш фақат физик шарт-шароитларни белгилаб берибгина қолмай, Ернинг ҳаёт муҳитига фаол таъсир кўрсатади.

Ушбу таъсир нималарда намоён бўлади-ю, жонли мавжудотлар унга қандай жавоб берадилар?

Биринчи навбатда, мазкур таъсирнинг бош сабабчиси Қуёш активлигидир. Қуёш активлиги деб аталган тушунчага Қуёшнинг ўзида юз берадиган ҳодисалар — унда пайдо бўладиган доғлар, Қуёш чақноқлари, Қуёш четидан отилиб чиқиб ёниб турадиган газлар оқими, тож туйнуклари ва бошқалар киради. Бу ходисалар ривожи жараёнида турли электр магнит, корпускуляр нурланишларнинг кучли оқими сочилиб туради. Худди ана шу оқимлар заррачалари Ер атмосферасига етиб келиб, энг аввало, унинг кимёвий ва физик хусусиятларини ўзгартиради. Мазкур ўзгаришлар геомагнит бўронлари, қутб ёғдулари, радиоалоқаларининг ёмонлашуви каби ҳодисаларда намоён бўлади. Бундан ташқари нурларнинг бир қисми Ер юзасига етиб келиб, жонли мавжудотларнинг ҳаётий жараёнларига таъсир ўтказади.

Ҳозирги вақтда қуёш активлигининг жонли организмларга таъсири тўғрисида кўпгина назариялар ва тахминлар мавжуд. Бироқ ҳеч иккиланмай қатъий айтиш мумкинки, бундай таъсир мавжуд ва у Ер магнит майдонининг ўзгариши орқали ҳам, электромагнит нурларининг тўғридан-тўғри Ер қобигига кириб бориши орқали ҳам рўй беради. Бу ерда гап Ерни ёритиб ҳам иситадиган Қуёшнинг одатий нури ҳақида кетмайётганини айтиб ўтиш жоиз. Чунки бу ҳам Қуёш нуридир. Лекин бу нур, доимий бўлиб Қуёш активлигига боғлиқлиги йўқ.

Олимларнинг кўп йиллик тажрибалари ҳар 11 йилда такрорлануви Қуёш активлиги билан баъзи юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини кўрсатди. Буни яна бир боғлиқлик — қуёш активлигининг тезлиги билан ҳашаротлар ва баъзи жониворларнинг кўпайиши ўртасидаги боғлиқликнинг кашф этилиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Кўпгина жониворар ва ҳашаротлар касалликларни кенг тарқатувчилар ҳисобланади. Ҳозирги вақтда юқумли касалликларга қарши эмловчи тадбирлар туфайли юқоридаги таъсирлар қарийб сезилмайди.

Қуёш активлиги билан юзага келадиган магнит бўронлари Ер магнит майдонини ўзгартиради ва бу одамларга муайян таъсир ўтказади. Тиббиёт олимларининг кузатувларидан маълум бўлишича, бемор кишилар танаси, айниқса, сурункали хасталикларга дучор бўлганлар, тез-тез руҳий зарбаларга учраб турадиган одамлар магнит бўронларига жуда сезгир бўладилар. Айниқса, бемор қариялар бундай таъсирдан азият чекадилар.

Қуёш активлиги ва магнит бўронлари биринчи навбатда асаб ва юрак қон-томир тизимига, шунингдек юқумли касалликлар кенг тарқалишига таъсир қилади. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, қуёш активлигининг ўзи бевосита касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келмайди ёки инсон саломатлигига ҳам бевосита таъсир ўтказмайди, балки унга туртки беради. Яъни, бемор одам танасидек беқарор тизим учун табиий мувозанатнинг бузилиши ва салбий оқибатларга олиб келиши учун қандайдир кичик бир ташқи таъсирнинг ўзи кифоя. Бундан статистик услуб ёрдамида аниқланган яна бир боғлиқлик ҳам тушунарли бўлиб қолади. Бу боғлиқлик-кексалар ва беморлар ўртасида, доимий руҳий зарбаларга дуч келадиганлар орасида ўлимнинг кўпайишига алоқадор.

Чунончи, Ўрта Осиё астрология илмий-текшириш институти гелиогеофизик лабораторияси 1988-1990 йиллардаги тадқиқотлари кучли магнит бўронлари ўтаётган кунларда Тошкентда йўл-транспорт ходисалари кўпайиши қонуниятини аниқлаб берди. Йўл ҳаракатлари мобайнида ўлим билан тугаган ходисалар сони ортишида бу айниқса яққаол кузатилади.

Юқорида айтилганлардан асло қуёш активлиги одамлар бошига тушадиган ҳамма мусибатлар сабабчиси деган хулоса келиб чиқмайди. Биринчидан, соғлом одамларга бундай ходисалар бирон-бир сезиларли таъсир этмаслигини яна бир бор такрорлаш керак. Қолаверса, саломатлик учун ноқулай кунларни олдиндан айтиб бериш йўли билан қуёш активлиги таъсирига қарши акс таъсирини кўриш мумкин. Бемор ва кекса кишиларга магнит бўронлари ўтаётган кунларда ўз соғлиқларига алоҳида эътибор билан қарашни, руҳий зарбалардан эҳтиёт чораларини кўриб юришни маслаҳат берардик.

Э. ЗИНАТУЛИН,
Гидрометорология бош хизмати гелиогефизик прогнозлар гуруҳи раҳбари

1996 йил — Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ РИВОЯТЛАРДА

БУЮК ҲУКМДОР ТАВАЛЛУДИ

Амир Темурнинг дунёга келиши ўша даврда яшаётган дунё кўрган машойихлар, валелар, азиз-авлиёларга маълум бўлган экан. «Шаҳрисабзга яқин даҳада бир бола дунёга келади-ки, у вояга етгач бутун шаҳарларни олади. Кейин оламни мусулмонобод қилади» деб таъбир қилибдилар. Буни эшитган барча ҳукмдорлар ҳар томонга айғоқчиларини юбориб, туғилажак чақалоқни ўлдиришга қасд қилишибди.

Амир Темур туғилгач, отаси бир қавм-қариндошларига хабар бериб, уйига таклиф этибди. Чақалоқнинг қулоғига азон айттирибдилар. Шунда фаришталар Темурнинг авлиё бўлиши, шоҳлик даражасига етиб, бутун дунёни эгаллашини билдирибдилар. Отаси ўғлини ёмон кўздан сақлаш учун уни онасига қўшиб, хизматкор билан бирга Бухорога юборибди. Йўлда кетаётганларида, ҳалиги хизматкор чўлда чақалоқни ўлдиришга қасд қилган. Айғоқчилар домига илиниб, уларнинг фитнасига шерик бўлибди.

Чақалоқ Темур ва унинг онасини кузатиб Бухорога қараб бораётганларида кечаси бир жойда дам олишга қарор қилишибди. Онабола ухлаб қолгач, пайт пойлаган ҳиёнаткор хизматчи қул етти кунлик чақалоқни чопиб ташлаш мақсадида қиличини бола тепасида кўтарган экан, бирдан осмондан чақмоқ чақиб, ундан отилиб чиққан яшин хизматкорни тил торттирмай ўлдирибди. Она-бола катта чўлда ёлғиз қолишибди. Амир Темур дунёга келмасидан олдиноқ Шайх Хўжа Аҳмад Яссавий унинг пири қилиб белгиланган эканлар. Шу пир ўша дамда дабдурустдан пайдо бўлиб, чўлда қолган чақалоқ билан онасини қўллаб-қувватлабдилар ва жазирама саҳрода бирга бўлиб йўлларига нур сочиб, чанқаганда сув бериб, қумлоқлардан, баланд-паст адиру қирлар, хуружи гармсел, бўронлардан эсон-омон сақлаб олиб ўтибдилар. Уларга фаришталар ҳамроҳ бўлишибди. Осмонга эса булут чиқиб: жазирама офтобнинг нурларидан уларни асраб, бошлари узра соя ташлабди. Улар шу аснода Бухорога етиб келишибди. Шаҳарда жалла қуяётган эмишу, лекин она-боланинг устига бир томчи ҳам ёмғир тушмасмиш. Шунда барча билибдики, бу гўдакни парвардигор ўзи сақлаб, у келажакда фақатгина ҳукмдор, саркардагина эмас, балки авлиё ҳам бўлар экан.

СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАЙҚИРИҒИ

...Амир Темур ўзининг минглаб лашкарлари билан Шарқий Осиёга қараб юриш бошлабди. Йўли аввалларги бирор кимса қадам босмаган Нурота билан Моргузар тоғлари ўртасидаги «Илон ўтди» даласига тушибди. Соҳибқирон қаршисидан чиққан тоғни ошиб ўтай деса — тоғ йўл бермас эмиш, айланиб ўтай деса — уни ҳам билмасмиш... Темур шунча тиришса ҳам, ҳаракат қилса ҳам тоғ йўл бермасмиш. Тоштарошлару, тошкесарлар минг урунишмасин — ҳеч нарса чиқмабди. Тошларни эритиб юборувчи кимёгарлару дуогўй сеҳргарлар ҳам ҳаракатга тушибдилар-у ҳеч нарса қилиша олмабди. Соҳибқирон қаҳр-ғазаб билан баланд тоққа қараб: «Ёрил, йўл бер!»— деб қичқирибди. Тоғ ёрилибдию йўл бермабди. Амир иккинчи бор ғазаб билан. «Ёрил, йўл бер», дебди. Аммо тоғ дарз кетибдию, яна йўл бермабди. Соҳибқирон учинчи бор ғазаб билан: «Ёрил, йўл бер!»— деб ҳайқирганида тоғ унинг ҳайқиригига бардош бераолмай иккига ажралиб кетибди... Соҳибқирон очилган йўлдан барча лашкарларини олиб ўтиб, йўлида давом этибди...

СОҲИБҚИРОННИНГ ҚОИДАЛАРИ

...Амир Темур навкар танлашда уч қоидага амал қилар экан. Биринчидан, йигитнинг куч-қувватига, иккинчидан, қилични ўйнатта олишига, учинчидан, ақл-заковати-ю камолотига эътибор қилиб, шу уч фазилат бўлса, уни навкарликка қабул қилиб олар экан. «Куч қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликлару азоб уқубатларга чидай олади, қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, ақли жойида навкар ақл-идрокини ишга солиб, ҳар иккала мушкилотни тадбир билан ҳал эта олади», дер экан.

СОҲИБҚИРОННИНГ ШИОРИ

...Амир Темур узоқ сафардан қайтган пайтларида ҳам, жангу жадаллардан ғолиб чиқиб толиққанда ҳам чарчадим демас экан. Ишлаб дам оларкан, дам олиб ишларкан. Айниқса, боғ-роғлар бунёд этишни яхши кўрар экан. Соҳибқиронниг куч-ғайрати, ақл-заковати-ю йўл йўриғи билан «Боғи баланд», «Боғи беҳишт», «Боғи Давлат», «Боғи Дилкушо», «Боғи Жаҳоннамо», «Боғи зоғон», «Боғи майдон», «Боғи чинор» каби ўнлаб боғлар яратилган экан. Жангда ақл-идроки билан қиличини ишга солса, бўш вақтларида боғ-роғлар яратиш билан машғул бўлар экан, иморатлар солдирар экан. Унинг шиори «Куч-қудратимга шубҳа қилсанг-кўрган биноларимни кўр, одамларга яхшилигимни кўрмоқчи эрсанг-бунёд этган боғларимга боқ», деркан...

АМИР ТЕМУР, АЙИҚ ВА БЎРИ

Амир Темур йигитлар тўплаш мақсадида тоғу тошлар билан ўрмонзорларга чиқиб кетди. Ўрмонни кезиб юрган пайтларининг бирида унга шу орада емиш излаб, сандиракдаган каттакон бир айиқ ҳужум қилиб қолибди. Амир Темур эпчил, чаққон, жасур киши экан. Айиқ билан роса олишиб, тимдаланиб, қип-қизил қонга беланибди-ю, аммо бўш келмабди. Айиқнинг қулоқлари-ю, терисидан парча-парча узиб олиб, уни ҳам қизил қонга белабди. Шу аснода узоқ олишиб, айиқ билан Амир Темур икковлон қанча вақт ўтганини сезмай қолишибди. Бир пайт Амир Темур бор кучини билагига йиғибди-да, «Ё Ҳазрати Али, мадат беринг»— деб, айиқни ердан узиб олиб даст кўтарибди-ю, тоғ тепасидан улоқтириб юбормоқчи бўлибди. Айиқ бўкириб юборибди. Шу пайт Амир Темурнинг кўзи унинг кўзига тушиб қолибди. Шунда айиқ «Эй инсон, мени далага ташлаб тилка-пора қилма, болаларим бор. Кейинчалик сенга керак бўлиб қоламан»— деяётгандек эмиш. Амир Темурнинг айиққа раҳми келибди. Уни ерга қўйиб, «Бор қаёққа кетсанг кетавер» деб қўйиб юборибди. Айиқ ўрмон ичига кетибди. Амир Темур эса йўлида давом этибди. Унинг нияти тоғдаги улкан ғорга бориб, унда макон тутиб, ўз атрофига жангари йигитлардан тўплаб Шаҳрисабз беклигини қўлга киритиш экан. Ғорнинг йўлида қалин ўрмонлар, ўтиб бўлмас сойлар, баланд тоғлар учрабди. У ер бу ерларда ястанган ялангликларда яйловлар бўлиб, у жойларда озми-кўпми аҳоли яшаб, чорвачилик, ўрмончилик, овчилик билан шуғулланар эканлар.

Амир Темур суқмоқ йўлдан кетаётиб, ғорга яқинлашай деганида орқасидан кимдир келаётгандай туюлибди. Қараса, каттакон бўри эмиш. «Энди менга бу етишмаётган эди» деб тўхтабдида, у билан олишишга шайланибди. Бўри оч экан, Амир Темурга ташланибди. У узини четга олибди, бўри яна ташланибди, Амир Темур энди пайт пойлаб туриб, бўрига ҳамла қилибди.

Икковлон олиша кетибди. Гоҳ бўрининг қўли баланд келиб, Амир Темурни ғажиб ташлай-ташлай дермиш, Амир Темурнинг қўли баланд келиб, уни бўғизлай-бўғизлай дермиш. Икковлон олишгандан олишиб, охири чарчабдилар. Бўри сулайиб қолганда Амир Темур бор кучини йиғиб, унга ташланибди-да, тагига босиб олибди. Темурбек бўрини бўға бошлаган экан, унинг жон талвасасида олайиб кетаётган бўри кўзига тушибди. Бўри: «Эй, одамзот, мени ўлдирма, мен она бўриман. Болаларим бор. Уларни етим қилма» деяётгандай бўлар эмиш. Амир Темурнинг раҳми келиб уни қўйиб юборибди. Бўри изига қайтиб кетибди. Амир Темур йўлида давом этиб, ғорга етиб борибди. У жойда макон қуриб, ўрмону тоғу тошлардан ўзига яқин йигитлар йиғибди. От-улов, озиқ-овқат ҳам топибди. Кундан кунга кучига куч қўшилиб, лашкарларининг сони ортиб борибди Темур Шаҳрисабзни қўлга киритиш режасини тузибди. Йигитларга маслаҳат солган экан, улар юришга тайёр эканликларини билдиришибди. Янги тузилган лашкларини тўплаб, Темур йўлга чиқибди. Кўп юрибди, мўл юрибди, қуюқ, чети кўринмас ўрмон суқмоқларида адашибди. Амир Темур энди қайси томонга бурилсам экан», деб боши қотиб турган экан, робарўсида қари бир айиқ пайдо бўлибди. Тикилиб қараса ўзи билан олишган ўша айиқ эмиш. Айиқ «Менинг орқамдан юр» дегандек бир бўкириб, юра кетибди. Амир Темур ҳам «Кел, таваккал қилай, нима бўлса тақдиримдан кўрарман» деб орқасидан эргашибди. Айиқ ўнга юрибди. Амир Темур ҳам аскарлари билан ўнгга бурилибди. Айиқ кейин чапга юрибди. Амир Темур ҳам унинг изидан чапга бурилибди. Бир жойга етиб, айиқ тўхтабди-да, «энди ўзларинг юраверинглар», дегандай бўкириб, четга чиқибди ва ўрмонга кириб ғойиб бўлибди. Амир Темур лашкарлари билан йўлида давом этибди. Қараса, ҳайқириб оқаётган катта дарё қирғоғига чиқибди ва йўлини дарё бўйлаб кетган суқмоққа солибди. Аммо бир жойга борганда йўл тусилибди. Нариги қирғоққа ўтишнинг иложи бўлмабди.

Темурнинг боши қотиб, бироз ўйланиб қолибди. Кейин: «Орқага қайтамиз, ғорнинг бошқа томонидан ўтамиз» деб турганида қаёқдандир бир бўри пайдо бўлиб қолибди. Йигитлардан бири шошилиб уни отмоқчи бўлган экан, Темур бўрини таниб қолиб, «отма!» деб юборибди. Бўри эса «орқамдан юр» дегандай йўл бошлабди. Амир Темур лашкарлари билан унга эргашибди. Бир жойга келганда бўри ўзини дарёга ташлаб, сузиб, у қирғоққа ўтиб олибди.

Амир Темур кечув шу ердалигини англаб, орқамдан юринглар, деб сувга тушибди. Йигитлар ҳам дарёга тушиб, нариги қирғоққа сузиб ўтибдилар.

Бўри «Бўлдими» дегандай бир-икки ғиншиб-ғиншиб дарёдан сузиб орқасига қайтибди-да, ўрмон ичида ғойиб бўлибди. Амир Темур ичида унга қойил қолиб, раҳматлар айтибди ва йигитлари билан йўлида давом этибди.

Йил-йўлакай «Яхшиликка-яхшилик дегани шу экан-да» деб ўйлаб кетибди...

Оқсоқол

Яхшилар ибрати

Шавкат акани оқсоқол деб чақирсангиз, хурсанд бўлиб қўядилар. Тангрига шукур, шу кунларни кўриш менгга насиб этяпти, дейдилар. Улардаги йигитларга хос илдамлик, шижоатдан дўстлари кулиб, сиз ҳали ёшсиз, дейишади. Соғ одам ёш кўринади. Шавкат ака, ўзлари табиб бўлганликлари учунми, ҳамма ёру-дўсту, таниш-билишга соғлиқ тилайдилар, тўғриғоғи, ўзларининг илиқ муомалалари, доим кулиб туриб сўзлашишлари билан ҳушкайфият улашадилар.

— Суҳбатдошингга ширин-суҳан бўлсанг, меҳр-оқибат кўрсатсанг, бу ҳам соғлиқ улашишдир, — дейдилар.

Шавкат ака билан саломатлашган одам ўзида аллақандай кайфичоғлик сезади, бағриларига босиб сўрашганларида бамисоли ўзларидаги бионурни сенга ўтказаётгандек ҳис қиласан. Эҳтимол, шундайдир ҳам.

Сентябрь ойи эди. Оқсоқол билан икки кун бирга бўлишга тўғри келиб қолди.

— Эртага субҳидамда ошга бирга борсак, нима дейсиз? — сўрадилар ўзларигагина хос мулойимлик билан. Дам олиш куни эди. Рози бўлдим. Ошдан сўнг дорихонага кириб, баъзи дори-дармон харид қилдилар, сўнг шифохонага йўл олдик. Таниш бир беморни кўргани бордик.

Бемор киши бизни кўриб севинганини сўз билан ифода қила олмайман. Унинг заъфарон юзига қизиллик югурди, кайфияти чоғ бўлди, ўзида бардамлик сезди. Шошиб бизга чой дамлади.

— Қимирламай ётувдим, қадамларингизга ҳасанот, мана ўзимни анча енгил ҳис этяпман, — деди севинганини яширмай.

Шавкат ака майин кулиб, ҳол-аҳвол сўрарканлар:

— Ҳеч ҳам бетоб эмассиз, сал чарчаган, толиққан экансиз. Дўхтирлар хайрон. Бу соппа соғ-одам бизда нима қилиб юрибди, деб, — дедилар.

— А, ростданам шундай дейишяптими? — сўради бемор Шавкат акага тикилиб.

— Ҳа-да. Дўхтир дўхтирга бор гапни айтади-да, биласизку. Ҳеч қандай касалангиз йўқ экан. Ҳаёт ташвишларидан бироз чарчабдилар. Уч-тўрт кун дам олсалар тамом-вассалом, яна тонгдаги ошга, кейин ишга, кечқурун сабзи туғрарми ёки базмга бораверсангиз бўлар эмиш. Қиттак-қиттак олсангиз ҳам рухсатмиш, — деди Шавкат ака.

Ҳаммамиз кулиб юбордик.

— Дўхтирларнинг гапи ростга ўхшайди. Бироз чарчагандайман. Кейинги кунларда тўймаъракалар кўпайиб кетди. Ҳар кун ош еявериб, денг...

— Қазисидан камроқ емабсиз-да, — кулдилар Шавкат ака.

— Ҳа-я, шу ерда нафсимни тиёлмай денг, давлениям ошиб кетса-да.

— Ҳозир ҳаммаси жойида. Ҳеч қанақа давление-павлениянингиз йўқ. Дам олинг, тамом. Мана бу дорилар, — олиб келган дориларни беморга узатарканлар, — организмга бироз куч беради,-ичиб туринг, зиёни йўқ.

— Ҳўп бўлади. Раҳмат жоним. Анча овора бўлибсиз-да.

Биз хайрлашиб чиқиб кетаяпмиз-у, мен беморга қарайман. Унда кўтаринки руҳ пайдо бўлганди. Шавкат оқсоқолнинг гапи таъсир этиб, фақат чарчаган эканман, деган фикр беморнинг миясига қаттиқ ўрнашди. Унинг тезда тузалиб кетишига менда шак-шубҳа қолмади. Кейин эшитсам, бир ҳафта ётиб-ётмай шифохонадан уйга қайтибдилар. Илиқ сўз билан ширин муомаланинг кучи анча-мунча дори-дармондан ҳам самарали таъсир қилишига амин бўлдим.

Тушки овқатга — уйларига таклиф этдилар. Гулнора опа қўлбола қайнатма шўрва солиб қўйган эканлар.

— Қийналмадингизми, хоним, — дедилар Шавкат ака кулиб, ўз миннатдорчиликларини сездириб.

— Сиз бор экансиз, ҳеч қийналмайман, Шавкат Саттарович, — деди опа ва менга қараб кулиб қўйди.

Шўрвани мазза қилиб ичдик. Бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин «сабзи тўғрар»га кетдик.

Душанба куни наҳорда яна ош, кейин иш, кечқурун...

Шавкат аканинг нолиб чарчадим, деганларини эшитмадим. Мен толиқдим. Ростини айтсам, Шавкат ака ҳам дам олишни истардилар. Лекин одамгарчилик, дўсту-биродарларига меҳр-оқибат устун чиқиб, уларнинг чарчашларига йўл қўймасди. Вужудлари чарчаса ҳам руҳлари тетик эди.

— Ҳурмат қилиб сени таклиф қилишдими, албатта бориш керак, — дерди Оқсоқол.

Шавкат Саттарович ана шунақа тиниб-тинчимас одам. Мен уларнинг рафиқалари билан суҳбатларини кўп эшитганман. Гулнора Ботировна бамисоли баҳор ёмғири. Бақир-чақир қилиб юборадилару, тезда яна юмшайдилар. Мижингликни ҳам, писмиқликни ҳам ёқтирмайдилар. Тез ва сифатли ишни маъқул кўрадилар. Шавкат акадан қайсидир юмушни қилиб қўйишни илтимос қиладиларда, у киши ишни бошлашга улгурмасдан ўзлари уннаб, кетадилар. Шавкат ака бунга ҳайрон бўлмайди, аксинча шундай одат борлигини билганлари ҳолда қулиб қўя қоладилар. Гулнора опанинг бу табиати асосида иссиқ меҳр ва муҳаббат бор. Шавкат ака буни яхши билади.

Эру-хотин ёру-биродарларини катта-кичикка, амалдор, амалсизга бўлишмайди. Бадавлатроққа бир муомала, ночорроқларга бошқача қараш йўқ. Мен амалдорману қобилида иш тутишмайди. Эҳтимол шу хислатлар уларни бирлаштиргандир. Эл ўртасида ҳурмат, эътибор қозонишларига сабаб бўлгандир.

Мен кўпгина яхши инсонларни биламан. 60 ёшдан ошганларни ҳурмат билан Оқсоқоллар дегим келади ва бугун Оқсоқол дейишга арзийдиган, мен танийдиган ана шундай азиз одамларни санасам айбга буюрманг.

Улар на катта мансабда бўлганларида, на кичик лавозимда турганларида ўзгаришмаган, одамийлик хислатларини сақлаб қолганликлари учун мақтовга лойиқдирлар. Жўра Хоназаров, Саиджалол Баҳромов, Мурод Шарифхўжаев, Зиёд Есенбоев, Санъат Девонов, Ҳабабулло Шоғазатов, Наби Мажидов, Матёқуб Қўшчонов, Ҳалим Маҳмудов, Шабот Хўжаев, Исмоил Сулаймонов, Қулмамат Мирзажонов, Мажид Қодиров, Зокир Хўжаев, Толиб Содиқов, Шариф Ҳасанбоев, Собир Охунжонов, Эркин Қосимов, Раҳматилла Қамбаров ва яна кўплаб оқсоқолларимиз борки, улар билан фахрлансак бўлади. Уйлари тор бўлса ҳам, бағрилари кенг бу инсонлар, одамийлик жиҳатдан бизларга ўрнакдирлар. Улардан одобни ҳам, камтарлигу камсуханликни ҳам, меҳрибонлигу муомалани ҳам, адолату ростгўйликни ҳам ўргансак бўлади. Улар ғийбат қилишмайди, бировни ёмон деб асоссиз гапиришмайди. Шавкат Саттарович Раҳимов ана шундай оқсоқолларимизнинг бири, Ватанимиз равнақи, келажаги учун жон фидо қилишга, халқимиз бахти-саодати йўлида ҳар қандай қийинчиликларга чидайдиган одамлардан бири.

Уларга ва улар орқали бутун Оқсоқолларга соғлик-саломат тилаб, босиб ўтган ҳаёт йўллари бизларга ҳам насиб этсин, дегим келади ва шуни Тангридан илтижо қилиб қоламан. Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ва меҳрибон оқсоқоллар!

Тўлқин МУҲИДДИН.

Туркман келини.

Туркистон-умумий уйимиз

Чингиз АЙТМАТОВ:

«МЕН ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗБЕКМАН...»

Ғаллаорол шаҳридаги 44-мактабда машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Бу ҳақда Парда Тожи маъруза қилди. Маърузачи Чингиз Айтматов яратган ўлмас асарлар, улардаги ажойиб образлар тўғрисида тўхталар экан, ўтган йили ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон халқлари маданияти вакилларининг форумига эътиборни қаратди. Ана шу форум ташкилотчиларидан бири - севимли ёзувчимиз Чингиз Айтматов эди.

Шу муносабат билан мен Туркистон халқлари маданияти вакилларининг форумидан сўнг бир гуруҳ меҳмонлар қадим ва навқирон Жиззахга, Шароф ота Рашидов юртига ташриф буюрганлигини эсладим. Делегация таркибида қирғиз халқининг севимли фарзанди, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси Президенти Чингиз Айтматов ҳам бор эди.

Ушанда вилоят ҳокимлигида мартабали меҳмонлар билан жиззахликларнинг учрашуви бўлди. Жиззахлик фан, маданият ходимлари қирғиз, қозоқ, тожик миллатига мансуб кишилар Чингиз ога бошлиқ меҳмонларни қизғин табрикладилар.

Ўз навбатида Чингиз ога ҳам сўз олиб, мезбонларга миннатдорчилик билдирди, Марказий Осиё халқларининг маданиятига бағишланган қурултой яқунлари ҳақида сўз юритди. Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси Президенти этиб сайланганлиги зиммасига янада катта масъулият юклаганлигини таъкиллади. Ушанда Чингиз ога айтган қуйидаги сўзлар ҳамон қулоғим остида жаранглайди:

«Мен Қирғизистонда қирғизман, Қозоғистонда қозоқ, Туркманистонда туркман, Тожикистонда тожик, Узбекистонда узбекман. Зеро, биз аслида бир буюк маданиятнинг меросхўри бўлган ягона халқмиз».

«Ишонч» мухбири.

Фидоийлар фахримиз

ЭЛГА ЭЛ БЎЛГАН АЁЛ...

Йиллар... Ўз муҳрини босган йиллар...

Шаҳло кўзлари оҳунинг кўзларидек тим қора, ҳамиша кулиб турадиган, истараси иссиқ бу аёл, болалик чоғларимни ёдимга солди. Тошкент радиосининг болалар учун эшиттиришлар таҳририятида биз деярли ҳар куни кўришиб турар эдик. Овозимиз тенгдошларимиз учун бериладиган радио тўлқинларида янграрди...

Тошкентдек шаҳри азимда яшаб, шунча йиллар ўтиб тўқнаш келиб қолдик. Икковимиз ҳам ҳаяжонланиб кетдик.

-Овозингизни эфир орқали тез-тез эшитаману, кўришиш шу кунга насиб этибди-я, шунисига ҳам шукур,-дедим дугонамни қучиб.

Бир-биримиз ҳақимизда кўпроқ маълумотга эга бўлиш ниятида саволларни ёғдириб юборибмиз. Иноятхондан «қаерда ишлаясиз» деб сўраганимда, у «телевидениеда, «Ёшлик» таҳририятида», деб жавоб берди ва чиройли табассум билан гапини давом эттирди:

-Бундай чамалаб қарасам, шу ерда ишлаганимга 33 йил бўлибди...

-Умр ўтишини-я, бамисоли оқар сув,-дедим мен дугонамнинг юзларига ҳайрат билан тикилиб ва беихтиёр,- Ие, унақада нечага кирган бўласиз? - деб юбордим.

-Элликка,-яна ўша чиройли табассум билан жавоб қилди Иноятхон.

-Қўйинг-э, ҳазиллашманг.-Иноятхоннинг порлаб турган чеҳрасига ишонибишонмай тикилдим...

-Иноятхон Абдусоатова журналистика соҳасида 33-йилдан бери фидокорона хизмат қилиб келаётган заҳматкаш. Уни телевидениега мактабда ўқиб юрган болалик чоғлариданоқ равон, ёқимли, ифодали нутқи туфайли таклиф этишган. Иноятхон йигирма йилча болалар ва ўсмирлар таҳририятида катта муҳаррирлик қилди. «Бойчечак»,»Юлдузча» деган кўрсатувлар Иноятхон иштирокисиз ўтмас эди. У ҳамиша ҳар битта унга юклатилган ишни зиёдидан ортиқ қилиб бажаришга ўрганган. Ҳар бир кўрсатувда эл қалбини тўлқинлаштирувчи долзарб мавзуларни кўтарарди. Айниқса, ёш оилаларимизга мадад бўладиган кўрлаб кўрсатувларнинг янги қирраларини очишни олдига ҳамиша вазифа қилиб қўяди. Соғлом авлод етиштириш, фойдали урф-одатларимизни тарғиб қилишни олий мақсад деб билади. Мутасадди кишиларни таклиф этиб, баҳоли қудрат фойдали маслаҳатлар ўюштиради. Шу ҳақда гап кетганида, у:

-Бизлар фақат кўрсатувларни ўюштирувчи холос,-дейди қамтарона.

Шунинг учун бўлса керак, у тайёрлаган кўрсатувлар тезда эл назарига туша бошлайди. Ўн уч йилдир-ки Иноят Абдусоатова «Ёшлик» студиясининг бўлим мудири лавозимида ишлайди.

-Ўттиз уч йил! Айтишга осон! - дейди Иноятхон ҳақида меҳр билан касбдошлари. - Аммо «Ёшлик» таҳририятида шунча йил ишлаб, опамизнинг қалблари ҳали ҳам ёш. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар қизиқишларини, қалбини яхши ҳис қиладилар. Кўрсатувларни ёшлар фикрига, дилига ҳамоҳанг қилиб яратишга интиладилар. Бизга ҳам шуни ўргатадилар.

Юртимиз, элимиз равнақи йўлида хизмат қилаётган инсонларни қадрлаб, элга танитаётган фидоий журналист Иноятхон Абдусоатовани ҳар бир «Ёшлик» кўрсатувининг мухлислари яхши билишади. Иноятхон қанчадан-қанча халқ орасидан чиққан қаҳрамонларни телеэкран орқали эл-юртга таниттирди, уларнинг хизматларини алқаб, дардлари билан яшади, яшаб келмоқда.

-Иноятхон опамизга қараб, ҳавасимиз келади. Сабаби, биз ёшлар, шошқалоқроқмиз, шекилли, бирон иш юзасидан қуйиб-пишсак, вазминлик билан бизни тинглайдилар, маслаҳатлар берадилар, ишимизни енгиллаштирадилар. Улар ҳамиша ҳаёл оғушида юрадилар. Биз баъзан, балки бизнинг икир-чикир ҳаёлларимиз уларга тинчлик бермас деб ҳам ўйлаймиз. Ҳамиша босиқ, вазмин, салобатлилар. Инсонларга мадад бўлишига, кўнглини кўтаришга, кайфиятини яхшилашга ҳаракат қиладилар. Кайфиятни кўтариш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Улар билан суҳбатлашсак, енгил тортамиз, яшагимиз келади, -дейдилар ёшлар завқшавқ билан.

Ҳа: уларнинг суҳбатидан бир шингил-бир шингил эшитиб юрагим фахрга тўлди. Шундай дугонам борлигидан қувониб кетдим. Шундай инсонлар бор-ки, қўлидан бермаса-да, йўлидан беради. Иноятхон ана шундайлардан. Унинг фарзандлари ўзи раислик қилаётган маҳалладаги ёшу қари севиб, ҳурмат қилишларининг боиси бор, албатта. Бу унинг инсонларга бўлган самимийлиги, оқкунгиллилиги, одамохунлиги, ўзидан ўзгаларни юқори қўя билганлигидан деб биламан.

Халқ маорифи аълочиси, журналист Иноятхон Абдусоатова эллик баҳорни кўрди. Авжи кучга тўлган фаслида қутлуғ муборак ёшлари билан мен бир дугонаси, ҳамкасби кўп сонли телетомошабин мухлислари номидан астойдил мубораквод этаман. Ҳамиша ёшликнинг жўшқин, қайноқ нафаси сизни тарк этмасин дейман.

Фаридахон УСМОНОВА, шоира.

Ўзингизни билинг

СИР САҚЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

1. Янги гилам сотиб олишга қарор қилдингиз. Сизга ёққан уч хил рангдаги гиламдан қай бирини танлаган бўлардингиз?

а) қизил — 6 очко

б) зангориси — 2 очко

в) сариқ ранглиси — 5 очко

2. Кутилмаганда Сиз кўп йилдардан бери кўришмаган яқин танишингизни учратиб қолдингиз. Сиз ўзингизни қандай тутасиз?

а) атрофдагиларга парво қилмай, унинг қучоғига отиласиз — 4 очко

б) Енгил табассум билан қўлингизни чўзасиз — 3 очко

в) У сизни эслай олишини аниқ билмаганингиз учун босиқ сўрашасиз — 1 очко.

3. Сизни меҳмонга таклиф қилишган. Қайси кийимларингизни кийишни маъқул кўрасиз?

а) Шим ёки юпқа блузкангизни (эркаклар модадаги пиджак ва шмни) — 3 очко.

б) улуғвор оқшом кўйлагини (эркаклар — виқороли костюмларини) — 1 очко

в) узун юбка ёки декольтели қалин блузкани (эркаклар классик стилдаги кастюмни) — 2 очко

4. Меҳмонга борган жойингизда жуда ёқтирган одамингизни учратиб қолсангиз, ўзингизни қандай тутган бўлардингиз?

а) дўстингиздан ўзингизни у билан таништириб қўйишни сўраб, фильмлар ёки пластинка-кассеталар ҳақида гапириб, уни суҳбатга тутасиз. — 6 очко.

б) ўзингиз гап очиб, у нималарга қизиқишини сўрайсиз — 8 очко.

в) ўзаро мулоқотингиз табиий равишда келиб чиқишига интилиб, суҳбат қай йўналишда ривож топишини кутасиз — 4 очко.

5. Кечқурун телевизор кўриб ўтирмайсиз. Лекин, бу — ўтирмасанг, бирдан қўшнингизникидан шовқин сурон ёки бақир-чақириқни эшитиб қолдингиз. Нима қилган бўардингиз?

а) Қўшнингиз хотинини ураяпти деб, уларникига югурасиз — 5 очко.

б) Эътибор бермайсиз — 3 очко:

в) телевизорингиз овозини пайсайтириб, қўшнингизникида нималар бўлаётганини эшитиш учун қулоқ тутасиз — 6 очко.

6. Яқинларингиздан бири туғилган кунингизга совға бериб, уни фақат ўша куни очиб кўришни илтимос қилди. Хўш, сиз нима қиласиз?

а) зўлдик билан уровни очиб кўрасиз — 7 очко.

б) бу ишни туғилган кунингиз амалга оширасиз — 4 очко.

в) бирон-бир тирқишдан ёки ёрғидан ичида нима борлигини билишга интиласиз — 5 очко.

7. Ортиқча вазнингиз билан боғлиқ муаммо сизни қийнаган вақтлар бўладими?

а) ҳеч қачон — 3 очко:

б) баъзи-баъзида сиз ортиқча вазндан қутилиш учун овқатлардан ўзингизни тийиш чораларини кўриб турасиз — 6 очко:

в) бўлади, чунки сиз таомни мўл ва иштаҳа билан ейсиз — 7 очко.

8. Дўстларингиз билан учрашиш муносабати билан сиз қанчагача ичасиз.

а) кетишига қараб, қўнгилингиз тусаганича 3 очко

б) озгина, чунки сиз ичувчиларни ёқтирмайсиз — 1 очко

в) бошингиз сал айланганини сезишингиз билан бас қиласиз — 2 очко:

Тўплаган очколарингиз натижаси бўйича ҳулосаларни газетамизнинг сешанба сонида ўқийсиз.

«ОДАМЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?» синов-сўровлари натижалари

7-10 та тўғри жавоб.

Сизни табриклаш мумкин. Сиз ҳақиқатан ҳам одамларни яхши билар экансиз, уларнинг юрагига чўқур кириб бора оларкансиз. Одамлардаги фазилат ва нуқсонларни яққол кўриб турасиз. Шунингдек, Сиз ўз қобилиятингиздан оқилона фойдаланиб, ҳар бир одам билан унга маъқул оҳангда гаплашишни биласиз ва бу охир-оқибатда улар билан муомалангизни енгиллаштиради. Ҳатто баъзилар ҳақида салбий фикрда бўлсангиз ҳам, уларнинг камчиликларини таъкидлаш ўрнига фазилатларини мақташни маъқул кўрасиз.

4-6 та тўғри жавоб

Сиз бирон одам билан ҳатто йиллаб енма-ён яшаган ёки ишлаган бўлсангиз ҳам унинг ҳақида ҳамма нарсани билиб бўлмаслигини яхши тушунасиз. Ўзингизни одам феъл-атворини яхши билувчилар қаторига қўшмайсиз. Шунинг учун ҳам ўйлаган кишингиздаги сизга маълум бўлмаган қирраларни кашф қилганингизда, бундан жуда қаттиқ азият чекиб ўтирмайсиз. Лекин, бу — шу одамга сиз лоқайд қарайсиз деган гап ҳам эмас. Бу одам сиз ўйлагандан яхшироқ бўлиб чиқса унга ҳам астойдил қувонасиз. Унинг ўзингиз билмаган камчиликларидан хабар топиб қолганингизда эса астойдил афсусланасиз.

1-3 та тўғри жавоб

Одамларни яхши билмаганингиздан кўп ҳам таассуфланманг (жавоб ларингиз натижаси шуни кўрсатаяпти). Содиқнинг нималарга кўпроқ мойллиги тўғрисидаги тасаввурингизда ҳам қанчалик адашганингизни кўриб турибсиз. Содиқ шунчалик мураккаб одаммикин?! Йўқ, кўпроқ айб — сизнинг ўзингизда. Зеро, Сиз одамларни ўз тасаввурингиз асосида кўрасиз. Ҳақиқатда улар қандайлигини фахмлай олмайсиз. Сиз бирон одам ҳақида ўзингиз яхши ёки ёмон бир хулосага келасиз-да, ўз тасаввурингизга мос тушмайдиган фактрлар билан ҳисоблашишни истамайсиз. Атрофингиздаги одамларни кўпроқ диққат билан кузатишга ҳаракат қилинг!

Ўзингизни билинг!

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 193-мактаб томонидан Азимов Нодир номига берилган АО 009943 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР қилинади.

ХАҲЛАР — ХАЁҲ ОЙНАСИ

ҲАҚДАН ҲАЙИҚМАЙСИЗМИ?

Мен 1989 йилдан 1995 йилнинг 6 сентябрига қадар Оҳангарон қариялар уйида яшадим. Бу ердаги раҳбарлар ва шифокорлар ширинсўз бўлишиб, инсоний ғамхўрликлари сезилиб турарди. Директор Эргашхон Оқиловни кексалар ҳурмат билан «Ота» дейишади. Мазкур қариялар уйида боқувчисиз қолган, ўксик, қалби яра кишиларнинг бошини силаган, кўнглини олишга интилган кимсалар кўпки, улардан ҳали ҳам миннатдорман.

1995 йилнинг сентябрь ойида Самарқанд шаҳар қариялар уйига ўтказишдию бунинг аксига дуч келдим. Бир қарашда бу ерда зарур шарт-шароит, эътибор бордек туюлади. Бу ерда очилган кичик корхона кўплаб совун тайёрлаб эркин савдога чиқаради. Аммо, қариялар уйидагиларга ойига яримтадан совун берилади. Шу ҳам инсофданми? Тақдир тақазоси билан бу ерга келган кишиларнинг қарогларида армон ва мунг яширин. Уларнинг дилларидаги ҳаста, кўнгиллари ўксик. Аммо ярадор қалбга яна тиг ўриш тўғримикин? Улар орасида ҳеч бир ғамхўрлик кўрмай, тўшакка михланиб қаровсиз ётганлар кўп. Нафақаси ҳеч нарсага етмаган, дардига малҳам буладиган кимса топилмаса? Мурувватли кишилар байрамларда совға салом тўҳфа этса, бу ердаги юлғичлар қариялар учун ўнинг учдан бирини беради, холос.

Қариялар уйига ойда дори-дармон келтирилади. Қариялар эса бу дориларни мутасаддиларни сотиб олишга мажбурлар. Қани адолат? Сариғ ёғ, шакар, тухум каби кундалик истеъмол маҳсулотларини умуман бизларга раво кўришмайди.

Оҳангарон қариялар уйига Олмалиқ тоғ-металлургия кобинати, Олмалиқ гўшт комбинати, кимё заводи, Оҳангарон цимент ишлаб чиқариш бирлашмаси, темир-бетон комбинати, Оҳангарон дон комбинати каби нуфузли корхоналар оталиққа олишган. Улар вақти-вақти билан хайрия пули ҳам ўтказиб туришарди. Самарқанддаги қариялар уйида аҳвол бошқача. Уни ким оталиққа олганини ҳам билмаймиз. Ногиронлар куни муносабати билан 25 аравача келтирилди. Аммо улар Ўктам Момонов каби мухтож қариялларга берилмай, омборхонага бекитиб қўйилган. Ўктам акага эса эски, носоз аравачани раво кўришди, таъмирлаб олишни ўзига топширишди. Нима, янгисини беришса асакалари кетармиди? Бу ердаги шифокорлар ва ходимларнинг муносабатидан ҳам норозимиз. Дори сўрасак фақат «йўқ» дейишни билади ҳолос. Ўз билганларича иш тутиб, отахон ва онахонларнинг дилларини ранжитаётган олгирлар нафақаси ҳақидан ҳайиқмасалар?

Абдулла ҲАЙИТОВ,
нафақахўр.

Муштарий хабар беради

ЗАМИН ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Чироқчи туманидаги «Чиял» жамоа хўжалигининг 6-деҳқончилик ширкатига қарашли Қалқон Ҳотамов бошлиқ бригада аъзолари бултўр пахтадан мўл ҳосил етиштириб, хўжалик ҳиссасининг юксалишига муносиб улуш қўшдилар. Мавжуд 45 гектар майдондан 127 тоннадан ошиқ «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Хўжалик пахтакорлари ўртасида ғолиб деб топилган бригада жамоаси 500 сўм пул ва бир бош қўчқор билан мукофотланди.

Мавсум тугаши биланоқ бўлгуси ҳосилга пухта замин ҳозирлашга киришилган. Далалар ғўзапоядан тозаланиб, қисқа муддатларда шудгорлаб қўйилди, махсус мосламалар ёрдамида ҳар гектар ерга 250 килограммдан минерал ўғит сепилди. Бригада аъзолари шу кунларда мўл ҳосил гарови ҳисобланган маҳаллий ўғит жамғаришни ўюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

— Қиш — бекорчилик мавсуми эмас, — дейди бригада етакчиси Қалқон Ҳотамов. — Биз аъзоларимиз билан гапни бир жойга қўйиб, қишки дала ишларини намунали ўтказишга ҳаракат қилмоқдамиз. Норча Пардаев, Эшдавлат Норқулов, Мирзаёр Ҳайдаров, Саттор Холмуминов, Бозор Рузиев каби илғорлар барча соҳада ўрнак.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

...таклиф қилади.

ҲАЛҚА ЙЎЛИ БЎЙЛАБ ЁНҒОҚ ЭКИЛСА...

Узбекистон — келажаги буюк давлат, деймиз. Аслида ҳам шундай. Келгуси авлодларга мусаффо иқлимни, соғлом табиатни, гуллаган маконни мерос қолдиришимиз керак. Бу борада менинг ўз таклифим бор. Келесдан то Самарқанд вилоятигача бўлган катта магистрал йўлнинг икки ёқасига ёнғоқ дарахтлари экиб қўпайтирилса бўлмасмикин? Бўлади, албатта. Меҳнатсевар, танти халқимизнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Қунт ва ғайрат бўлса бас.

Маълумки, ёнғоқ шифобахш, мевали дарахт. Энг яхши ёнғоқзорлар Ғарбий Тяньшон этакларига қўрк ва яшиллик бағишлаб турибди. Танасининг йўғонлиги 1—2 метрга етади, шох-шаббаси кенг шарсимон ёки ёйиқ бўлиб, 300—400 йил яшайди. Тупроққа талабчан, намлик етарли бўлса қумлоқ тупроқларда ҳам яхши ўсади. Йиллик ёғин-сочин миқдори 800 мм. дан кам бўлса, ўтказилган кўчат сунъий суғоришни талаб қилади. Ёнғоқ ёруғ-севар, у ёлғиз ўзи сийрак ўсганда яхши ривожланади. Иссиққа, ҳавонинг қурғоқчилигига ҳамда 25 даражали совуққа чидамли.

Уруғдан ўсиб чиққан дарахтлар пайванд қилингандан кейин 4—6 йилдаёқ ҳосилга киради. Бир-икки йилда мева соладиган турлари ҳам бор. Ёнғоқ 25—30 ёшида тўлиқ ривожланади. Шароитга қараб магзининг ёғлилиги 45—77 фоиз, оқсили 12—23 фоиз ва углевод (қанд) 5—25 фоиз миқдорида бўлади. Ёнғоқ магзида С, В, Р ва Е витаминлар мавжуд. Тоғ минтақаларида унинг аҳамияти жуда катта. Бақувват илдизи тоғ қияликларини эрозиядан сақлайди. Мутахассисларнинг фикрича, ёнғоқ радиактив ва кимёвий чиқиндиларни мевасининг сер эт пустлоғи ва ёғочланган қобигида ушлаб қолар экан. Шунинг учун магзи экологик жиҳатдан тоза бўлади.

Ота-боболаримиз бизга мерос қилиб қолдирган ёнғоқ, жийда, урик ва бошқа мевалар уруш йилларида жуда асқотганлиги маълум. Очарчилик шароитида ҳам дастурхонда ёнғоқ, жийда, туршак, мағизлар бўлган, уни тўйиб истеъмол қилган киши ҳам қонликка учрамайди. Шунинг учун ҳалқа йўлнинг икки томонига ёнғоқ дарахтлари экиб, обод қилиш фойдадан холи эмас, деб ўйлайман. Машиналар ҳавога чиқарадиган заҳарли газларнинг ёнғоқ мевасига таъсири йўқ. Йўл бўйларида азамат ёнғоқ дарахтлари шовуллаб турса, қандай яхши!

Эҳтиёждан ортиқча маҳсулотни четга экспорт қилиш ҳам мумкин. 15х15 схемада экилса, 100 метрда 6 туп кўчат жойлашади. 3 қатор қилиб экилса, 100 метрга 18 туп кетади. Бир қатордаги 1000 метрда 60 туп, 3 қаторда 180 туп ёнғоқ ўстириш имконияти бор. Энди Келесдан то Самарқандгача неча туп ёнғоқ экиш мумкинлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Тўғри, ўртада маблағ муаммоси ҳам бор. Лекин гап халқимиз манфаати ва фаровонлиги ҳақида кетаркан, зарур маблағни топса бўлади. Мутасадди ташкилотлар ушбу таклифни ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шоназар ШОРАҲМЕДОВ,
Тошкент тумани, нафақахўр.

...танқид қилади

АРЗИМГА ҚУЛОҚ СОЛИШМАДИ

Мен 1974 йилдан то 1995 йил май ойигача Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани тайёрлов идорасига қарашли колхоз бозорида торози берувчи вазифасида ишлар эдим. 1995 йил май ойида меҳнат таътилига чиқдим. Ишга қайттанимда жамоа хўжалиги бозори директори «Сиз ишдан бўшадингиз» деб айтди.

Ноҳақликка чидай олмай тайёрлов идораси директори Тоштемир Бекмирзаевга, сўнг туман ҳокимиятига мурожаат қилдим. Менинг арзимга қулоқ солишмади.

Саломат АБДУҚОДИРОВА,
Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани.

...мулоҳаза юритади

БИЗ ЁРДАМ БЕРОЛМАДИК, СИЗ-ЧИ?

Дунё яралибдики, инсон ўз қувончу ташвишлари билан яшайди. Баъзилар бойлик, мол-давлат, баъзилар эса шон-шуҳрат, деб югурадилар. Бу ёруғ олам нуридан ким бахраманд, кимдир эса...

Ён-атрофимизга назар ташласак ўксик кўнгиллиларга ҳам дуч келамиз. Гоҳо уларга эътибор берамиз, гоҳо...

Мен билан ёнма-ён ногирон талабалар ҳам илм олишади. Университет қўқув бўлими бошлиғи И.Бурибоев ва касаба уюшма қўмитаси раиси С.Тошматов билан уларга яратилган шарт-шароит курсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик хусусида сухбатлашдим.

Дарҳақиқат 1995 йил ўқув йилида 7 талаба муайян имтиёзлар асосида ўқишга қабул қилинди-дейди С.Тошматов. Шулардан 5 нафари ногиронлардир. Улар ўқув даргоҳининг тарих, ўзбек филологияси, иқтисод, журналистика факультетларида илм олмоқдалар. Ногирон талабалар доимо эътиборимизда. Жумладан, Ғалабанинг 50 йиллиги, ТошДУнинг 75 йиллиги ва Ногиронларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 150 сўмдан ёрдам пули берилди.

Бу тоифа талабалар учун талай имтиёзлар ҳам кўзда тутилган. Чунончи, дори-дармон бепул. Етоқхоналарда ўзлари хоҳлаган киши билан бирга туришлари, профилакторийда 1 йилда икки марта даволанишлари мумкин. Агар ногирон талаба бирон нарсага мухтож бўлса, бизга ариза билан мурожаат қилади. Қўлдан келганча ёрдам берамиз. Бундай талабалар магазиндан ўзлари хоҳлаган нарсани чекланмаган миқдорда олиш ҳуқуқига эгалар. Аммо бизни бир муаммо қийнайди. Ҳозир кўпгина фирмаларда ҳайрия фондлари мавжуд. Сармоядорлар ҳиммат қилиб, университет ҳисоб счетига пул ўтказишганда, биз бу пулларни бошқа ёққа сарф этмай, фақат ногиронларни моддий ва ижтимоий эҳтиёжларига сарфлаган бўлар эдик.

Яна бир гап. Мана, Янги йил муносабати билан ногирон ва етимларга бир ойлик стипендия миқдорида пул ажратдик. Абдурахмон Айхон исмли турк тадбиркори ногиронларимизни байрам совғалари билан ҳўшнуд этди. У инсондан миннатдормиз. Ўзбекистонда ҳам саховатпеша, ҳимматли кишилар, топилади, албатта. Улар қўлларидан келганча ёрдам берадилар, деб умид қиламиз.

Собиқ ногирон талаблардан Ҳ.Абдуқодиров биздан ишга жойлашиш учун ёрдам сўради. Қўлимиздан келганча уриндик, афсус иложини тополмадик. Демак, ногиронларни ўқитиш касб ва малака бериш бошқаю, ишга жойлаштириш бошқа экан. Бу масалаларни яхлит ҳолда тушуниб, муаммони ҳал этишчиларини излашимиз лозим. Қисқаси биз ногирон талабаларимизга кўнгилдагидек ёрдам беролмаяпмиз. Сиз-чи, азиз газетхонлар?

Ш.МАДРАҲИМОВА,
ТошДУ талабаси.

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Тоза қилиб супурилган, сув сепилган ҳовли, ариқ бўйидаги анвойи гуллару иси атрофни тутган садарайҳон. Тарам-тарам, серсув олмалар дуп-дуп этиб супа лабига тўпади. Хазонрезги кузнинг салқин, ўйноқи шабадаси гуллар атрини димоққа уфуради. Бир пиёлла чой устида ёши 55-60 лар орасидаги икки киши нималарнидир кенгашаяпти. Бу, Абдулла Қодирийнинг «Уткан кунлар» ёхуд «Меҳробдан чаён»идаги бирор лавҳа-ку, дейсизми? Йўқ, янгилишдингиз.

Шаҳримиздаги Шайхонтоҳур тумани «Бог кўча» маҳалласидаги хонадонлардан бирида шундай манзаранинг гувоҳи бўлдим. Маҳалла оқсоқоли Маҳаммадортиқ Тўлаганов билан фаоллардан бири Абдували Имомалиев яқин кунларда ўтказиладиган тадбирнинг маслаҳатини қилаётган эканлар. Дуога қўл очилди. Одамларга меҳр-оқибат, имон,юртга тинчлик, кўнгилларга хотиржамлик, яхши ишларга ривож тиланди.

Маҳаллада 1500 оила истиқомат қилади. Катта маҳаллани бошқаришни енгиллаштириш мақсадида 11 та ҳудуд қилиниб, уларга мутасаддилар тайинланган.

— Диққатга сазовор ишлардан бири ободонлаштиришга катта эътибор бераётганидир, — дейди маҳаллада истиқомат қилувчи шифокор Минхожиддин Ҳасанов. — Бир қарич ери бор хонадон, албатта, бир туп гулми ёки кўчатми экади. Оилада вояга етаётган болаларга ҳам иш топилади. Ҳуда-беҳуда кўчага чиқа вермайдилар. Хонадонларимиз қизлик, келинлик. Кўчаларимиз файзи, орасталиги оқсоқолларимиз саъй-ҳаракати туфайлидир. «Бир фарзандга етти қўшни ота-она» деган нақлнинг амали маҳалламиз мисолида намоён бўлмоқда.

Ҳар бир иш маҳалла оқсоқолларининг кенгаши ва маслаҳати билан амалга оширилди. Ҳозирги кунда туй ва маъракаларни ихчам, меъёрида ўтказишга эришяпмиз. Маҳалла фаоллари ва хотин-қизлар кенгаши аъзолари кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга, зиёли кишилардир. Масалан, оилада келишмовчилик, муаммолар бўлса, ҳуқуқшунос-маслаҳатчига мурожаат қилиш мумкин. Бу ерда истиқомат қилувчи шифокорлар тиббий ёрдамга ҳамиша шай.

Яна бир муҳим янгилик. Маҳалла аҳли учун Маҳаммадортиқ ака ўз ҳисобидан «Ором» клубини ташкил қилди, фаоллар ташаббуси ва шаҳар ҳокимининг қарори билан «Қариялар оромгоҳи»ни қуриш ишлари бошлаб юборилди.

«Кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш қандай бўляпти?» деган саволимизга жавобан оқсоқол:

— Маҳалламиз туманда энг кўп моддий ёрдам оладиган маҳалла ҳисобланади, — деди. — Узингизга маълум, халқимизда камтарлик, ийманиш орият кучли. Имкон қадар, адолат юзасидан иш қуриш мақсадида моддий ёрдамни мухтожларга ўз вақтида етказаяпти. Маҳалламиздаги 300 га яқин хонадон бундай мурувватдан баҳраманд. Улар асосан кўп болами, кам даромадли оилалар, боқувчиси йўқ, ёлғиз фуқаролардир.

Ватан остонадан бошланади. «Бог кўча» маҳалласида яшовчи, саховатпеша, имону-эътиқодли, соддалиқу самимийлик ва ишончни ўзига жо қилган кишилар билан суҳбатлашарканман, бунга яна бир карра амин бўлдим. Зеро маҳалла инсонни катта ҳаёт йўлига бошловчи ўзига хос тарбия мактабидир.

Маҳлиё МИРСОАТОВА,
Тошкент шаҳри.

Акс-садо

АДОЛАТ ОЗОР ЧЕКМАСИН

Мен «Ишонч» рўзномасининг 1995 йил 1 декабр сонида эълон қилинган «Меҳнат- тўлақонли ҳаёт асоси» мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Муаллиф Ж.Нажмиддинов муҳим ҳаётий масалани тиббий меҳнат экспертизаси тизимида янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ғоясини илгари суради. Бу ҳақиқатан ҳам зарур. Янги меъёрий ҳужжат ишлаб чиқишда Соғлиғни сақлаш, Молия, Меҳнат, Мудофаа вазирликларининг ҳамкорлиги қўл келади албатта. Шу вақтгача тиббий меҳнат экспертизасининг хулосаси билангина ногиронликка чиқарилар эди.Давр бу тизимни ҳам ислоҳ қилишни тақазо этмоқда. Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек: «Меҳнатга лаёқатли аҳолининг психологиясини ўзгартириш жуда муҳимдир. У ижтимоий ҳимояланишнинг пассив объектидан, давлатнинг моддий ёрдамидан бевосита ва билвосита фойдаланишдан ўз тақдирининг фаол соҳибига, ўзининг ижтимоий фаровонлиги учун масъул бўлган шахсга айланиши лозим».

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти қийинчиликлари ҳукм суриб турганда ҳар бир инсоннинг ижтимоий бойликлар яратилишида фаол қатнашиши катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ногиронлик ҳужжатлари ва нафақалар фақат мўҳтож шахсларгагина берилиши юридик ҳужжатлар чўқур текширилган хулосаларга асосланиши лозим. Чунки ҳозир чўнтагида ногиронлик ҳужжати бўлган айрим шахсларнинг бозорма-бозор қоп-қоп юкларни кўтариб юришгани сир эмас.

Яна бир муҳим масала - корхоналарда узоқ ишлаб соғлиғи заифлашган кишиларни ижтимоий муҳофаза қилишдир. Мақолада бу масалага ҳам муносабат билдирилган. Дарҳақиқат, заруратга қараб баъзи ходимларга қисман нафақа тўлаш ва қобилиятига яраша енгилроқ иш билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Токи ҳеч ким озор чекмасин. Бунда адолат асосий мезон бўлиши лозим.

Хушвақт ОМОНОВ,
Тошкент консерва ҳиссадорлик жамияти ишчиси.

Саломат бўлинг!

ИГНА ТУТГАН БАРМОҚЛАР

Инсон организми барча аъзоларининг нерв толалари панжада жойлашган. Шу боис панжага майда игначалар санчиб даволаш-суджук кенг тарқалмоқда. Бу асаб касалликларини бартараф этишнинг сўнгги усулларидан бири. У кўпроқ Кореяда кенг тарқалган. Ўтган йили Тошкентда бир ой «суджук»ни урганиш бўйича малака ошириб, кореялик мутахассислардан сабоқ олдим.

Япония, Хитойда ҳар йили аҳоли еппасига игнатерапиядан ўтказилар экан, зеро игна

Андижон тиббиёт институтини битирган Одина Ғофуржонова 1973 йилда Тошкентдаги 16-шаҳар касалхонасида ишлаб, профессор Наби Мажидовдан сабоқ олди. Бу унинг келгусидаги тақдири ва ҳаёт йўлини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Шифокор ўз билими ҳамда маҳоратини ошириб борищи лозим — Одинанинг шиори шундай.

1976 йилда у Тошкентда асаб касалликларини даволаш бўйича малака оширди. Ушанда игна санчиб даволаш усули эндигина тиббиётда қўлланилаётган кезлар эди. Одина бу усулга кўпроқ ишонч ва умид боғлади. Чунки халқ табобатининг минг йиллик тажрибасига эга бўлган игна санчиб даволаш беморни дарддан фориғ қилишда самарали воситадир.

О. Ғофуржонова 1978 йилда Москвадаги шифокорлар малакасини ошириш марказий институтида, сўнгра Қозон шаҳридаги махсус курсда таҳсил олди. Тарихдан маълумки, игна билан даволаш-акупунктура Хитой халқ тиббиётида кенг қўлланилган. Бу усулда баданнинг муайян нуқталарига (улар 600 тача) игна санчиш билан периферик нерв тизими хасталикларига шифо топилган.

— Асаб касалликлари орасида кўп учрайдигани фалажлик, — дейди Одина. — Илгари бу дардни турли дори-дармонлар билан даволар эдик. Лекин беморда барибир асорат қоларди. Игна билан даволаш жараёнида эса бунга йўл қўйилмайди. Шамоллаш оқибатида юзага келадиган бел, бош, оёқ оғриғи хасталикларини тўлиқ даволаш имконияти бор.

Инсондаги кўпгина дардлар айнан асабнинг бузилиши туфайли юзага келиши ва кучайишига ҳамма ҳам эътибор беравермайди. Қон босими ошиши, қандли диабет, юрак хасталиги — биринчи галда асаб толаларининг чарчаши, зурайиши оқибатидир. Умуман, асаб тинч ва бир маромда ишласа, бутун тана ҳотиржам ва соғлом бўлади. Шундай экан, асабни асраш, уни вақти-вақти билан даволаб туриш керак.

— Сўнгги пайтда панжаларга игна санчиб даволаш яхши самара бермоқда, — дея сўзини давом эттиради О. Ғофуржонова. — санчиб даволаш асоратсиз соғайиш демакдир. Биз бошимиз оғриб қолса, дарров анальгин ичамиз. Юқорида тилга олинган мамлакатларда эса ҳар бир оддий фуқаро толиқиш, кучсизлик, мадорсизлик, чарчаш ҳолатларида игна қўйишни афзал кўради.

— Шахсан ўзингиз бу усулнинг афзалликларини нималарда кузатяапсиз?

— Инсон танаси меҳр ва парваришга муҳтож. У ниҳоятда нозик. Ҳозирги сершовқин ва ташвишли замонда ҳар қандай асаб ҳам чарчайди. Демак, организмда модда алмашуви бузлади. Бу бош, оёқ, қўл оғриқларининг бошланишида намоён булади. Яхши биламизки, ҳар қандай дори таркибида кимёвий модда бор. Уни истеъмол қилганда бир аъзо даволанса, иккинчиси озор чекади. Шундай пайтда игна санчиб даволаш усули қупроқ самара беради. Умуман, йилига бир-икки марта игна ёрдамида даволаниб туришнинг фойдаси кўп. Шунда тананинг турли касалликларга қарши курашиш қобилияти кучаяди. Игнада инсон вужудидаги энергияни табиий холича ишга туширишиб юбориш имконияти катта. Таъбир жоиз бўлса, игна санчиб даволаш усулини организмнинг ўзига хос алласи, дейиш мумкин...

Қайсидир хасталик туфайли беморнинг тани озор чекмоқда. У бутун вужуди билан, жон ҳолатда дардига малҳам излайди. Зомин туман касалхонасининг тажрибали шифокори Одина Ғофуржонова бундай пайтда ҳамиша хизматта шай. Унинг қўли енгиллигини кўпчилик яхши билади. Игналарни қайси нуқталарга қадашнинг аҳамияти катта. Буни дўхтир яхши билади. Игна учида қандай сеҳр ва куч-қудрат бор? Сеҳр халқ табобатида, тиббиётнинг очилмаган қирралари ва фойдаланилмаган имкониятларида. Игнатерапия танамизни дард ва оғриқлардан халос этиб, муштқулимизни осон қилади. Биз билан сизга кераги ҳам шу. Одинахоннинг игна ушлаган қўллари дард кўрмасин, деймиз.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

Инсонинг қўли гул. Асрлар оша қўҳна мозийдан дарак берувчи обидалардан то нозик тақинчоқларга қадар инсон меҳнатининг, ақлу-заковатининг маҳсулидир. Бетакрор санъат намуналарини яратишга қодир ёшлар аввало қўникма ҳосил қилишлари лозим, албатта.

Наманган шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодий марказида ташкил этилган 40 та тўгарак фаол ишлаб турибди. Бу тўгарақларга жалб этилган 1580 нафар ёш истеъдодлар эртага моҳир чевар ва косиб, ёғочга нақш берувчи ёки руҳият нидосини оҳангларга сингдира олувчи санъаткор бўлиб етишишса ажаб эмас.

Ушбу фотосуратда «Сеҳрли ниналар» тўқимачилик тўгараги раҳбари Венера Муҳитдинова ўз шогирдлари Дилором Дадажонова ва Умида Мамадалиева касб сирларини ўргатмоқда.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Турмуш чорраҳаларида

ТУҒИШГАНЛАР ЁТ БЎЛМАСИН

Янгигина таъмирланган, ҳали бўёқлари қуриб улгурмаган ҳашаматли уй ёниб кул бўлди. Яхшиямки, қўшнилар уйдан уч ёшли, ўйинчоқларини ўйнаб ўтирган қизалоқни олиб чиқишга улгурдилар. Дилбар «биррровга»га деб қўшнисиникига чиққан эди, «элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор» деганларидек, ўгай қизи Шоҳиданинг қилмишларидан нолиб, ҳасратлашиб қолди. Бирдан кўчадан эшитилган қий-чувдан иккала қўшни хушини йўқотгудек қўрқиб югуришди-ю, лол қолишди. Дилбарнинг уйи гўё кўкдан олов тушгандек гуриллаб ёнарди. Кимдир сув сепган, кимдир телефонга югурган. Тезда ўт ўчирувчилар етиб келишди, аммо тўрт уй, айвон ёниб бўлганди...

Дилбар-мағрур, гўзал қиз эди. Институтда лаборант бўлиб ишлар, кечқурун уқирди. Ногоҳ кундузги бўлимда уқийдиган йигит билан танишди-ю, қалбида муҳаббат куртак ёзаётганини ҳис қилди. Бироқ бу сароб бўлиб чиқди. Қизи тўғилгач, айрим ишларга улгуролмай қолди. Қайнона дашномларига чидолмай, енгилтаклик билан уйдан аразлаб кетиб қолди. Турмуш ўртоғи уни қайта йўқламади. Дилбар эса қайтар эшигини қаттиқ ёпган эканми, бошқа очолмади. Икки ўртада гўдак отадан тирик етим бўлиб ўсди. Орадан ўн беш йил ўтди, Дилбарнинг бахти очилди. Обрули, баъмани киши унга совчи қўйди. Ёлғизлик жонидан ўтгани сабабли тўғишганлари уйидан бир хонали квартира олиб чиқиб кетган Дилбар ёлғиз қизи Лобарнинг тақдирини ўйлаб, Адҳам акага розилик берди. Ҳозирги замонда қиз узатишнинг ўзи бўладими? Қўлаверса ҳар ким ҳам ота-онали қизни келин қилгиси келади.

Адҳам ака беш қизини узатган, оқ-қорани таниган инсон эди. Ёлғиз ўғлининг бошини иккита қилиб, невараларининг роҳатини кўраман деб турганида севимли умр йўлдошидан жудо бўлди. Хонадонда аёл кишининг ўрни бошқача экан. Аммалар бош бўлиб Дилбарни тортдилар. Аввалига у ўгай қизларига бешик ва ўғил тўйлари ўтказишга бош бўлди, сарполар қилди, қизлари ҳам ундан мамнундек эди.

Беҳосдан чақнаган чақмоқдек, ўгай ўғли Маҳкамнинг қизи Лобарга қўнгил қўйиши Дилбарни ҳам, опа-сингилларни ҳам шошириб қўйди. Лекин ҳеч ким Маҳкамни аҳлидан қайтара олмади. Дилбар норизо бўлмаса-да, кўнгли ғаш, Аҳдам ака эса қиз узатиш ташвишидан қутулганига шод эди. Тўй бўлиб ўтди. Ўгай қизлар янги келиндан айб топа бошладилар. Эмишки, оналаридан қолган бисот ҳам, оталарининг тоғпани ҳам ўгай она ва унинг қизидан ортмаётганмиш. Маҳкам ҳам уларнинг чизигидан чиқмас эмиш. Ҳуллас, пинҳона норозиликлар астасекин ошкора бўлиб, тилга кўчди.

Дилбар ҳам тунини тескари кийди. Энди ўгай қизларини очилиб кутиб олмас, булар-булмас гапларни айтиб, отани фарзандларидан бездирар эди. Оқибатда ота қизларига: «Боримни сенларга берганман, энди ҳеч биринг-нинг ҳақкинг йўқ, уй-жой, машина кенжа ўғлим Давронники»,-дейишгача борди. Шу орада яна бир данғиллама участка сотиб олиб, бу уйда ўгли Маҳкам билан келини Лобарни қолдирди ва хотинини олиб кўчиб кетди. Онанинг муомаласини кўриб урганган Лобар ҳам эрини жигарларидан айириб, қизларга тўғилиб ўсган уйига келиш ва оналари руҳига қўрён тиловат қилиб кетишларига рўйхушлик бермай қўйди. Отани кўриш учун борган қизлар эса ўгай она писандаларига кўмилар эдилар.

Бир кун катта қиз Шоҳида отасини кўриш учун борди. Дилбар ўгай қизини меҳмонхонага таклиф этмай, ҳовлидаги сурига бошлади. Ранги ўчиброқ қолган пиелада чой узатди. Шоҳида отаси билан ҳоли гаплашмоқчи эди, иложи бўлмади. Оҳири чидолмаган Шоҳида «Ут тушсин бу уйга, бу данғиллама саройу биллурлар ким учун, одамдан азизми» деб, пиелани отиб синдирди ва ҳовлидан йиғлаб чиқиб кетди. Адҳам ака оғир «уф» тортиб, ҳолсиз ўтириб қолди...

«Қай бирини айтай, опажон! Уйга борсак дилимиз вайрон бўлади. Онамнинг қўйлаклари қозонсочиқ бўлиб етибди. Ёлғиз жигаримиз ҳам, отамиз ҳам бизга бегонадай бўлиб қолган. Ахир, онамиз ўтган уй бизга табаррук, ҳар ердан чиқиб келаётгандек бўладилар. Бормай кетишимизга сабаб эса, гўё биз душманлик қилиб ўт қўйган эмишмиз...

Дилбарнинг ҳам оҳидан тутун чиқади:«Ҳар қанча бўлсаям ўгай номим бор-да. Беш қизнинг кўнглини топишнинг ўзи бўладими? Ҳар ҳафтада келишарди, болалари шўх, қўлимдан келганча қутиб олардим. Лобар Маҳкамга турмушга чиқди-ю, муносабатимиз узгарди. Адҳам ака ҳалиям тоғпаларини қизларига илинадилар, мол-мулкни ҳеч кимга бўлганлари ҳам йўқ. Углим Даврон энди уч ешга тўлди, менга у соғ бўлса бас. Қизларнинг ҳаммаси уйли-жойли, машинали, тўла-тўкис сеп билан узатилган. Тинч келиб кетаверишса, ҳеч гап йўқ эди. Мен ҳам қиркка чиқдим, энди бироз кун кўрай, деганимда бу ташвишлар ҳам борми? Ахир айбим нима? Бошқа ҳовлига чиқиб кетишимизнинг ҳам сабаби бор. Лобар менга қиз эди, келин бўлди. Маҳкам ҳам ўгил, ҳам куёв. Жуда ноқулай экан».

Ҳозир Адҳам ака Дилбар билан яна аввалги ҳовлига қайтиб боришган. Лекин қизлари энди бу уйга қадам босишмайди. Яқинда Шоҳидани кўриб қолдим. Тулиб юрган экан, дардини тўкиб солди:

Албатта, ҳар ким ўзини ҳақ деб билади. Қолаверса муносабатлар чигаллашиб кетган. Ҳалиям кеч эмас. Балки, оилада аҳилликни қарор топтиришнинг чораси бордир? Шу уринда қўйидаги ҳадисни келтиришни лозим топдим.

Абу Бакр Расулуллоҳдан ривоят қиладилар: Расулуллоҳ:«Азоб-уқубат қиёмат кунига асраб қўйилгандан ташқари, бу дунёда инсоннинг ўзига жабр етказадиган гуноҳ-кишиларга зулм қилиш ва қавм-қариндошларга силаи раҳмни узиб қўйишдир»,-дедилар.

Шундай экан, бир-биримизга раҳм-шафқатли бўлайлик. Эгни тирноқдан ажратиб бўлмайди. Балки Дилбар ўгай қизларининг кўнглига йўл топар, оила муносабатлари изга тушиб кетар. Шундай бўлишига ишонгимиз келади, Зеро:

Олтмиш қулон от бўлмас,
Тўғишганлар ёт бўлмас!

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи,
муаллима, Халқ таълими аълочиси.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-48-53. Урганчда — 6-03-40 Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
• Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр курсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Буюртма Г- 028. Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди 22.00. Масъул навбатчи: Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ. 1 2 3 4 5 6